

/збекистон = келажаги буюк_{/давлат}

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

14 март сещанба Сотувда эркин нархда

Nº 50 (2347)

<u> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>



ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛ

Андижон вилоятининг Буз тумани дехконлари республикада биринчи бўлиб чигит экишга киришдилар. Улар бу йил 7433 гектар майдонга барака уруғи қадашади. Мухими, юз фоиз майдонга чигит плёнка остига эки-

Утган йили хам туман дехқонлари қишлоқ хўжалигининг барча сохалари бўйича юкори на-

тижаларни кўлга киритишган. Мутахассислар бўзликлар хар дақиқани ғанимат билиб, сидқидилдан мехнат қилганликлари, илгор технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этганликлари муваффакиятлар омили бўлганлигини таъкидлашмокда. Чиндан хам андижонликлар тажрибаси бугун республика микёсида эътироф этилмокда.

Бу ўринда мехнатнинг оилавий пудрат асосида ташкил этилгани, ер чинакам маънода ўз эгалари қўлига топширилганлигини алохида таъкидлаш жоиз. Жумладан, Бўз туманида хам экин майдонлари юз фоиз оилавий пудратчилар ихтиёрига берилган. Бу ўз самарасини бераётганлигини бугунги дала ишлари хам тас-

СУРАТДА: туман қишлоқ ва сув хужалиги бошқармаси бошлиги Фотима Исроилова мутахассислар билан экиш сифатини кузатмокда; мехнат фахрийлари Мирзаали Жўраев ва Гофуржон ота Эргашев экин-тикин ишларига ок фотиха беришмокда.

> т. ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

БАРХАЕТ НИДОЛАР

аврўз — одамзот биладиган байрамларнинг энг кадимгиларидан бири ва, эхтимол, биринчиси бўлса, ажаб эмас. Битта далил: инсониятнинг илк китобларидан хисобланмиш «Авесто» сахифаларида Наврўз янада қадимги байрам сифатида таъриф-тавсиф этилади. Тасаввур этайлик: энг қадимги китоб Наврўзни кадимги байрам деб шохидлик бермокда! Мана шу қадимги айёмни хамон Шарқнинг катта худудидаги куп халклар севиб эъзозлаб, катта кувончу шодиёналар би-лан байрам килиб келаётир. Наврўзнинг ана шу сифатларини кўзда тутиб, уни кўпинча - хам кадимги, хам навкирон деб таъриф этадилар.

Пировардида, Наврўзнинг бундай ўзгача такдири хар бир кишида табиий кизикиш уйготади. Саволлар тугилади: инсониятнинг ўзидай кекса бу байрам не сабабдан хамон оёкда? Хамон севимли? Хамон навкирон! Албатта, бунинг сабабпари минг битта

Дунёда Наврўздай табиатга якин, табиатдан келиб чиққан, унинг улуғ қонуниятларига уйгун яна бир байрамни учратиш кийин. Маълумки, борлик бахорда уйгонади, уйгонган борлик ёз ойларида ривожга киради, кузда бу ривожланиш ўз хосилларини беради. Нихоят, киш келиб. борлик яна уйкуга чўмади. Бу - борлик-нинг ўзгармас, баркарор, олий конуниятидир. Наврўз шу конуниятга асосланади. Янги йилнинг айнан бахорда бошланишини, бу бошланиш кундуз ва кеча узунлигининг нисбати бараварлашган 21 мартга тўгри келишини, хар Янги йилнинг ибтидоси шу кун эканлигини ботбот тасдиклаши билан тирик олам қонуниятларига ўзининг ичдан хамнафаслигини узлуксиз намоён этиб келади. Унинг хар хил ақидалар, вақтинчалик сиёсий ва мафкуравий максад ва интилишлардан тудунёга тез келиб, тез кетадиган (1-май, 7-ноябр каби) бошқа байрамлардан тубли фарки хам шунда ва бокийли гининг асосий сабаби хам шудир.

Наврўз айёми заминга ташриф этиб. ўзи билан борликка уйгониш, кукариш замзамаларини бошлаб келади, рухларга нур ва севинч инъом этади, кишининг хаётга мухаббати ва ихлосини орттиради. Гўзаллик - борликнинг буюк неъмати эканлигини қалбларга етказади. Наврўз илк қадамлариданоқ тирикликка, тарақкиётга мадхия бўлиб жаранглайди.

Навруз айёми Шаркнинг куп донишмандлигини ўзида мухрлаган. Шу маънода, унинг хар қадами — хикмат, хар бир товланиши — бир маънавий ибрат. Мустақиллик, бошқа кўпгина қадриятлар қаторида Наврўзга хам қайта хаёт бағишлаб жумладан, унинг замирида мужассамлан-ган аждодларимизнинг маънавий тажрибаларини хам қайтадан уйғотди. Сўзимизга кичик бир далил келтирайлик. Хайру саховат, савоб, химмат — Навруз кунла рида Шарқ кишиларида алохида кўзга ташланадиган сифатлардир. Худди шу анъана мустакил Узбекистон шароитида янада кенг ривож топди. Юзлаб тадбиркорлик корхоналари, шахслар Наврўз кунларида ўзи яшаётган жойдаги мактаб ва богчаларга, кам таъминланган оилаларга. қариялар, ногиронлар уйларига хайру эхсонлар улашадилар ва буни ўзларининг Наврўзий бурчи деб биладилар. Наврўз, шу тарика, инсондаги инсоний хусусият-ларга канот багишлайди.

Наврўз— бахорни, хаётдаги янгила-нишни мужда этувчи бир айём бўлса-да, бирок худди шу кунларда ўтганларнинг азиз хотиралари хам ёдга олинади. Маъ навий хотира — инсоннинг юксак фази-латларидан биридир. Мустакиллик йилларида улуг аждодларимиз хотирасини сидкидилдан эъзозлаяпмиз. Уларнинг миннатдор рухи ёруг амалларимизга хамнафас, тараккиётимизга мададкордир. 9-Май Хотира куни деб аталганлиги бун-дай тамойилни жамиятимизда янада мустахкамлади. Шу тарика, Наврузнинг ўтганлар хотирасини эъзозлашдек эзгу амалларидан яна бири мустакил Ўзбекистон хаётига чукур сингиб бораяпти.

Наврўзи олам кунларида Шаркда одамлар эски гина-кудуратларни унутиб, ўза-ро бир-бирларига кўл бериб, тотувлик, биродарликларини тиклаганлар. Хатто ўзаро низо билан яшаб келган давлатлар ҳам бундай низоларнинг сакланиб, Янги йилўтишини гунох деб билганлар ва шу сабабли олдинда турган Навруз айёмигача ўзаро тил топишишга, муносабатларини яхшилашга саъй-харакат қилганлар.

Тотувлик, миллатлар ва фукаролараро биродарликни равнак топтириш, республикадаги барча миллатлар ва элатларнинг вакилларини озод ва обод Ватанни барпо этишдек, муштарак максад байроклари остида якдил бир куч-кудратга айлантириш Узбекистон рахбарияти олиб бораётган изчил сиёсатнинг устувор йўналиш-ларидир. Наврўзнинг биз юкорида эслаган идеаллари бундай фаолиятнинг туб мохиятида ётади.

Хуллас, Наврўз амаллари хаётимизга хар тарафлама кириб келаяпти ва кундалик турмушнинг мазмунига айланмокда. Лекин шу билан бирга, Навруз анъаналарига муносабатда ўзига хос муаммолар хам йўк эмас. Масалан, Наврўз арафасида уйлар, ховли-жойларнинг бўсагасидан тортиб супуриб-сидирилади, тозаланади Корхоналарда хашардар уюштирилиб. кўчалар, хиёбонлар, ариклар ахлат ва чикитлардан халос этилади. Лекин бундай тадбирлар факат байрам арафасидагина юз беради. Кейин яна дуч келган жойга ахлатлар агдарила бошланади. Атроф-мухит ифлосланади, шахар-кишлокларимизда санитария-гигиена шароитлари издан чикиб кетаётганлиги тўгрисида шикоятлар. нолишлар пайдо бўлади. Хуллас, биз Наврўзнинг покланиш, борликни асраб-авайлаш билан боглик амалларига, анъаналарига мавсумий тус берамиз. Зеро, Наврўз хар куни биз билан бирга бўлиши кераклигини унутмайлик

Шу ўринда Наврўзнинг унутилаёттан яна бир гузал анъанасини эслашга тугри келади. Маълумки, Наврўз айёми кунларида кекса одамлар неваралари кулига кучат тутқазиб, яхши ният билан биргаликда экишган. Бунинг қадрли жихати шундаки, бундай нихолларнинг тутиб кетиши учун болаларнинг ўзлари хам, ота-оналар хам, кариялар хам — барча баробарига жон куйдиради. Уларнинг нест-нобуд булиб кетишига йул куйилмайди. Президентимиз ўтган йили Конституция кунига бағишлан ган тантанали йигинда «Тугилажак хар бир бола учун дарахт экайлик» деган сўзларни айтдилар. Наврўзнинг кадимий ва табаррук ўгитлари бу фикрга хамоханг Болаларга атаб ёки болаларнинг кўли билан дарахт экишнинг фазилати катта. Маълумки, хар йили Наврўзда ва умуман бахор кунларида шахарлар ва кишлокларимизда буш ётган ерларда, йўлларнинг ариклар ва каналларнинг ёкаларига юзлаб, минглаб туп кучатлар экилади. Кейин улар каровсиз колади. Экилган нихолларнинг ўндан бири кўкарса кўкаради, бўлмаса йўк. Бундай кўр-кўроналикнинг иктисодий зараридан ташкари канча маънавий зарари хам бор. Ахир табиатга, атроф-мухитга локайдлигимизни шу тарзда кайта-кайта намойиш этавериш ачинарли холдир. Агар бу кўчатлар болалар кўли билан экилса, ёки болаларга атаб экилса, уларнинг нобуд бўлиб кетишидан туғиладиган гунох одамларни сергак торттириб турса, ажаб эмас.

Навруз факат дошкозонда дамланган ошлар, пиширилган сумалаклар гаштидангина иборат эмас. Наврўз — бизни уйготувчи, табиатимиздаги инсоний салохиятимизни қўзготувчи, атрофимизни ўраб турган мухитни гуллаб-яшнатиш саъйхаракатларига ундовчи азалий нидо хамдир. Навруз шодиёналари, файзу барака си хаммамизга хамнафас булсин. Шу билан бирга, Наврузнинг азалий амаллари. ўгитлари, даъватлари бизга янада азиз ва қадрдон бўлиб қолсин

м. сафаров.

Хисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомимустахкамлаш

бўйича Хукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик карзларини кискартириш буйича кичик комиссиясининг навбатдаги йигилишида вазирлик ва идораларнинг умумий дебиторлик-кредиторлик карзларини камайтириш, карздоркетишига йўл кўймаслик борасида жорий йилнинг дастлабки ойларида олиб борилган хамда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар мухокама килинди.

КАРЗДОРЛИК **BAPXAM**

сия раиси, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов бош-

Мухокама натижаларига кўра худудий комиссиялар рахбарлари зиммасига олиб борилаётган ишларни сусайтирмаслик, хар бир хўжалик субъектида қарздорликлар муддати ўтиб кетишига йўл қўймаслик, шунингдек, Вазирлар Махкамасининг тегишли қарори билан амалга оширилаётган ўзаро қарзлар нинг олдини олиш ва туга тиш ишларини кам-кўстсиз ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъмин лаш устидан назоратни ку чайтириш вазифаси топши рилди

Бундан ташқари, улар зиммасига худудларда ахолининг электр энергия, газ, сув ва бошка комму нал хизматлар бўйича қарз ларини ундириш; ягона мо-лия-хисоб-китоб кунлари ўтказиш йўли билан деби горлик ва кредиторлик карзларини, шу жумладан, бюджетга туловлар буйича қар зларни тулаш борасида олиб борилаётган ишлар ни кескин жонлантириш банкларнинг максадли кре дитлари хамда факторин хизматларидан кенг фойда ланган холда максадли схе малар ишлаб чикиш йўли билан ўзаро қарзларни бартараф этишга алохида эътибор каратиш; шунинг дек, бир йилга қушимча мониторинг ўрнатилган вазирлик ва идоралар таркибидаги корхона ва ташки лотларда хисоб-китоблар холати устидан доимий назорат килиш, тулов интизомини бузиш холатлары бўйича аникланган фактларни худудий комиссия лар мажлисларида доими равишда мухокама этиш ва бундай холатларнинг олдини олиш бўйича кескин чора-тадбирлар кўриб бориш вазифалари юклатил-

Мажлисда кўриб чикилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг KAPOPU

Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўгрисида

Солик интизомини мустахкамлаш, солик конун хужжатларига қатьий амал қилиш, солик тўловларининг бюджетга тўлик ва ўз вактида тушишини таъминлаш, солик хакидаги хукук бузилишларининг аникланиши, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш устидан давлат назоратини кучайтириш, шунингдек солик органлари фаолиятини янада такомиллаштириш максадида Вазирлар Махкама-СИ КАРОР КИЛАДИ:

Куйидагилар: Узбекистон Республикаси Давлат солик кумитасининг

бошкариш тизими: Узбекистон Республикаси Давлат солик кўмитаси марказий аппарати тузилмаси

тасдиклансин. 2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси тизими ходимларининг умумий сони 2000 йил 1 апрелдан бошлаб ўртача 10 фоизга қисқартирилсин. Қисқартирилаётган ходимлар ва иш ҳақи фонди Солиқ сохасида хуқуқ бузилишларга қарши тезкор

қармаларини ходимлар билан тўлдиришга ва мустахкампашга йўналтирилсин. Давлат солик кумитаси раисининг тўрт нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари, 11 кишидан иборат таркибда

курашиш бош бошқармаси-

ни хамда унинг худудий бош-

хайъати бўлишига рухсат 3. Давлат солик кумитаси тузилмасида солик органларини қисқартириш натижасила бушайдиган ходимлар хисобига Солик сохасида хукук бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ҳамда Қорақалпоғисгон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шахрида унга бевосита бўйсунувчи худудий бошқармалар тузил-

Куйидагилар Солик сохасида хукук бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошкармаси ва унинг худудий бошқармаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин

солик сохасидаги жиноятлар ва бошқа хуқуқ бузилишларни аниклаш, уларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

солиқ органларида хисобда туришдан, соликлар ва мажбурий тўловлар тўлашдан бош тортувчи юридик ва жисмоний шахсларни аник-

накд пул маблаглари муомаласининг белгиланган тартиби бузилишларини аниклаш, уларнинг олдини олиш ва уларга бархам бе-

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ташкил этиш хамда солиқ хақидаги конунларни бузган шахсларни хуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда кидириш, давлатга етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олишни таъминлаш чоратадбирларини кўриш;

белгиланган тартибда жиноий ишлар қўзғаш ва уларни жиноят турига кўра хукукни мухофаза килиш органларига бериш;

(Давоми 2-бетда).

ДЕХЛИДА ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИНИНГ TAKANMOT MAPOCHMN

Дехли шахрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг хинд тилида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» китобининг тантанали такдимот маросими бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси, Хиндистон Ташки ишлар вазирлиги ва китобни нашр этган «ЮБС паблишерс дистрибьютерс ЛТД.» матбаа компанияси томонидан ташкил этилган такдимот маросимида Парламент, Ташки ишлар вазирлиги, Маданият вазирлиги, турли сиёсий партиялар, ижтимоий-сиёсий ва ишбилармонлар доираси, етакчи нашриётлар, телевизион каналлар ва Дехлида аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этишли.

Ўзбекистоннинг Хиндистондаги элчиси И. Мавлонов такдимот маросимини очар экан, хар бир давлат учун рахбарининг китоби дўст мамлакатда унинг давлати тилида чоп этилиши нафакат икки томонлама алокаларнинг ривожланишини, балки мазкур давлатларнинг келажакдаги муносабатлари истикболларини курсатадиган мухим вокеа эканини таъкиллади.

Хиндистон Ташки ишлар вазирлигининг иктисодий масалалар буйича котиби С. Т. Девре ташки ишлар вазири Ж. Сингх томонидан китоб учун ёзилган сўз бошига эътиборни қаратар экан, Марказий Осиё давлатлари билан алокалар Хиндистон ташки сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини айтди. Президент Ислом Каримовнинг китобида батафсил тахлил этилган хавфсизликка тахдид бир худуд билан чегараланиб қолмайди, бундай муаммоларга Хиндистон ва бошка давлатлар хам дуч келмокдалар. Девре сўзини давом эттирар экан, буни диний экстремизм ва халкаро терроризмга карши куращда харакатларимизни бирлаштиришни такозо этадиган, умумий вазифаларимиз кесишадиган ўзига хос нукта деб хисоблаймиз, деди. Биз Марказий Осиёда етакчи иктисодий куч бўлган Ўзбекис тонни минтакадаги мухим шерик деб биламиз, деди С. Т. Девре

сўзининг якунида. Дехли шахрининг Миллий Ассамблеяси раиси ўринбосари Киран Чоудри Ўзбекистон Президенти китобида кўтарилган тинч лик, барқарорликни таъминлаш, хавфсизликка тахдид солувчи кучларга қарши кураш муаммолари фақат Марказий Осиё минтакаси билан чегараланиб колмайди, деди. Улар бошка минта-каларга, хусусан, Жанубий Осиё минтакасига хам хосдир. Бундан минтакада яшаёттан одамлар динига караб эмас, балки умуминсоний кадриятлар асосида бирлашишлари лозим деб

хулоса килса бўлади. «Қонунчилик вақти» журналининг ношири ва бош мухарри-ри С. Кхурана китобнинг Хиндистон учун ахамияти тўгрисида гапирар экан, китоб хиндистонлик ўкувчилар учун Ўзбекистон

хакидаги бой маълумот манбаи эканини таъкидлади. Жавахарлал Неру номидаги университетнинг Халкаро тадки-котлар маркази профессори Ч. Махапатра китобни тахлил этаркан: Президент Каримов кенг мушохадали инсон, бу киши мех натлари туфайли мамлакат тараққиёт йўлига чикиб олди, дея эътироф этди.

Мазкур университет профессори Виммал Прасад шундай деди: «Китобнинг хинд тилида чоп этилгани Хиндистон учун жуда кадрлидир. Бу ўкувчиларга мустакил Ўзбекистоннинг бу-гунги куни, республиканинг сўнгти йилларда эришган ютуклари билан танишиш имконини беради».

Хиндистонлик машхур сиёсатшунос Р. Г. Гидадхублининг таъ кидлашича, Ислом Каримовнинг китоби факат сиёсат хакида эмас. Китобда мамлакат хаётининг бошка сохалари, жумладан иктисодиёт хакида хам сўз боради. Унда Ўзбекистоннинг тоталитар маъмурий тузумдан демократик бозор иктисодиётига ўтиши жараёни батафсил шархланади.

«Ўзбек моделининг хусусияти шундаки, барча ислохотлар боскичма-боскич, равон амалга оширилади. Узбекистон иктисодиётининг охирги ўн йил мобайнидаги ривожланиши тахлили саноатнинг автомобилсозлик каби илгор тармоклари шиддат билан ривожланаётганини, нефть ва дон мустакиллигига эришилганини кўрсатади. Мана шу барча жараёнлар Ўзбекистон рахбария ти томонидан танланган йўл тўгрилигини ва мамлакат тараккиё йўлида самарали олга бораётганидан далолат беради», деб сўзи

ни якунлади хиндистонлик сиёсатшунос. Такдимот маросими доирасида Жавахарлал Неру номидаги университет кутубхонасига Узбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» китоби, шу нингдек. Ўзбекистоннинг тарихий ва меъморий марказлари, ўзбек халкининг маданий ва маънавий кадриятлари, олиб борилаёт ган ислохотлар, республиканинг мустакиллик йиллари мобайнида эришган ютуклари ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа китоб ва журналлар тухфа этилди.

> А. АКБАРОВ «Жахон» АА, Дехли.

Таассуфки, бугун рангли металл ўгрилари деярли хар бир туманда учраб турибди. Хатто, ўгирланган металл парчаларини олиб-сотиш билан шуғулланаётган «тадбиркорлар» ҳам шаклланибди. Уларнинг хаммаси биргалашиб юртимиз бойлиги, халкимиз ризки-насибасини

беш-ўн сўм даромад эвазига кушни давлатларга чикариб юбормокдалар. Президентимизнинг «Рангли металлар парчалари ва чикиндилари

ўгирланиши хамда четга ноконуний олиб чикиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўгрисида»ги Фармони шундай нохуш холатларнинг йўлига гов қуйишда му хим ахамият касб этади. Жойлардаги

хукук-тартибот органлари ходимлари эса бундай салбий ходисаларга карши анча вактдан буён курашиб келмокдалар. Хусусан, Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг бу борадаги маълумотларига назар ташласангиз, шу йилнинг ўзида вилоятнинг барча туман ва шахарларида ўнлаб рангли металл ўгрилари, олибсотарлар ушлангани, уларнинг ашаддийларига нисбатан эса жиноят ишлари қўзғатилганини куриш мумкин.

Бу маълумотларда яна бир салбий холат кўзга ташланади: айрим корхоналарда сурункасига ўғирлик содир бўлаяпти! Бу эса ўша корхонада тартиб-интизомнинг ёмон ахволдалигидан, биринчи навбатда мазкур корхона ё ташкилот рахбарларининг укувсизлигидан далолат беради, дейиш мумкин. Ангрендаги олтин саралаш корхонаси айнан шундайлар жумласидан. Утган йилнинг 31 декабрида Курбонов бу ердан 23 минг сумлик 61 килограмм олтин коришмасини, худди шу куни Шомуродов 28

Фармон ва ижро

минг сўмлик 31 килограмм қоришмани ўғирлаб кетаётганда қўлга тушдилар. Олтин саралаш фабрикасидаги бебошлик, каровсизлик шу даражага етибдики, ўз ишчилари у ёкда турсин, хатто бу ерда

нозири А. Муродов, терговчи И. Цай, криминалист А. Тевосов, участка вакили А. Бойзоковлардан иборат тезкор гурух ишга киришди. Маълум бўлишича, ўгирланган симнинг киймати 1,5 миллион сумлик-

«тадбиркорлиги» юлдуз кўрмай жон берди: қўлга тушди! Унинг хонадонидан 70 килограмм мис, 20 кило грамм алюминий далилий ашё сифатида олинди.

Минг афсуски, рангли металл парчалари билан боглик ўгирликларни содир этаётган айрим ватандошла римиз ўзларининг минг сўмга эга бўладиган ўгирликлари давлатта миллион лаб сўмлик, халки

мизга эса жуда кат та маънавий зарар етказаётганини ўйлаб кўрмайди лар, тасаввур кил-майдилар. Масалан, 26 январ куни **Г**азалкент шахрида елефон алокаси тўсатдан узилиб колди. Бўстонлик туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари Б. Иномбеков рахбарлигида зудлик билан ташкил этил

ган тезкор гурух нинг тадбирлари натижаси да ўгри тезда топилди: 1976 йилда туғилган, Ғазалкент шахрида яшовчи Б. Йулдошев. Унинг уйидан ўгирлик билан боғлик далилий ашё лар олинди. У туман АТСи дан таркибида платина котишмаси бўлган 9 дона МКС блокларини ўгирлаган Натижада шахарда бир неча соат телефон алокаси тухтаган. Бунинг оқибатини, за рарини эса тасаввур килиш кийин эмас! Мазкур ўгирлик туфайли жами 2 миллион сўмлик моддий зарар етказилган. Маънавий зарарнинг

хисоби йўк... Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари юқоридаги каби ҳар бир фактни атрофлича тахлил килиб унинг вужудга келиш сабаб лари, шарт-шароитларини аниклаб, тегишли корхона ва муассасалар рахбарларига таклимномалар жунатмокда Шунингдек, прокуратура, солик, божхона хизмати ходимлари билан хамкорлик

х. алимов.

МЕТАЛЛНИНГ ХАР ПАРЧАСИ БОЙЛИГИМИЗДИР

Уни ўгирлаганларга шафкат килинмайди

хам ўгирлик кила олишларига шароит топилибди. Жорий йилнинг 11 январ куни Арманистоннинг Арарат тумани, Арарат кишлогида яшовчи, хеч каерда ишламайдиган Акоп Шагинян корхона худудидига кириб 71 минг сўмлик 49 килограмм олтин қоришмани ўмариб чикканида милиционерлар томонидан ушланди. Мазкур фабрикадан факат қоришма эмас, бошқа хоҳлаган нарсаларни хам гумдон қилиш ҳеч гап эмас экан. 1 февралга ўтар кечаси номаълум шахс фабрика худудидаги кутарма краннинг 60 минг сўмлик мис ўрамини шилиб

лат фукароси бўлмиш шахслар

Металлурглар бўлмиш Олмаликда хам металлфурушлар тез-тез учраб турибди. 24 феврал куни эрталаб соат 5 ларда шахар ички ишлар бўлимининг батчилик қисмига «Кончи» корхонасидан катта микдорда алюминий ва мис симлар ўгирлангани хакида хабар келди. Дархол ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари

нинг излари совимай туриб олиб борилган тадбирлар натижасида ўгри дарров топилди: Металлурглар кўчаси, 70уйда яшовчи, ишламайдиган, Виктор Мелников энди терговда жавоб бермокда. Чиллаки чиллакини кўриб

дан ортикрок экан. Жиноят-

чумак уради деганларидек, Викторга кушни 72-уйда истикомат килувчи 19 ёшли Абдурашид Суюнов хам Виктордан ўрганганми, ёки Виктор Абдурашидданми, хайтовур 29 феврал куни жаноб Суюнов болалар касалхонасига ташриф буюрган. Касал кўргани эмас, албатта. У бу ердан нар-хи 55.685 сўмлик 186 метр телефон кабелини ўмарди. Лекин узокқа кетолмади... Олмаликда кўп қаватли уй-

даги хонадонда яшовчи, 1962 йилда туғилган Нагима Омонжўлиева металл «бизнеси» касбини ўзлаштирибди. У ўз уйида хамшахарларидан мис парчаларининг килосини 350 сўмдан, алюминийни 70 сумдан сотиб олиб, сунг уларни Козогистонга элтиб пуллашни йўлга қўйди. Унинг бу

да суриштирув, тергов иш-ларини олиб бормокда.

УКИНГ, ЯНГИ РУКН: ХОКИМНИНЕ КОБУЛ КУНИ

Президентимиз хокимлар хақида гапира тўриб, улар менинг жойлардаги вакилим деб айтган эдн. Зеро, «Махаллий давлат хокимияти тўгрисида»ги конунда хам «вилоят, туман, шахар хокими вилоят, туман ва шахарнинг олий мансабдор шахси...» дейилган. Бу хоким ўзи рахбарлик килаётган худуднинг иссиқсовуги-ю, баланд-пасти, ташвиши-ю, кувончи — хаммасидан

вокиф бўлмоги, ана шунга масъул деганидир. Хўш, улар бунга канчалик тайёр? Халк билан очик, ошкора мулокот килишаяпти-ми?.. Ушбу рукнда бериладиган материалларда газетхонлар ана шу саволларга жавоб топадилар, деган умиддамиз. Бугун газета-мизнинг иккинчи бетида сиз мазкур рукнда берилаётган биринчи

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

Давлат солик хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўгрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

солик сохасида хукук бузилишлар тўгрисидаги ахборотларни тўплаш, текшириш

4. Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати тузилма-

Назорат-тафтиш бош бошкармаси ташкил этилсин. унга белгиланган тартибда назорат ишларини амалга ошириш ва хужжатларни текшириш хамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молияхўжалик фаолиятини тафтиш

қилиш функцияси юклансин; Режим ва кадрлар бош бошқармаси ташкил этилсин, унинг таркибида Давлат солик хизмати органларида коррупцияга қарши курашиш махсус бошкармаси тузиш назарда тутилсин.

5. Белгилансинки: Солик сохасида хукук бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси ва унинг худудий бошқармалари, Назорат-тафтиш бош бошкармаси Давлат солик қумитаси раисининг бирин-

чи ўринбосарига бўйсунади; Режим ва кадрлар бош бошкармаси ўз фаолиятида Давлат солик кумитаси раисининг режим ва кадрлар бўйича ўринбосарига бўйсу-

нади 6. Куйидагилар: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахар давлат солик бошқармасининг намунавий

Туман, шаҳар, шаҳардаги туман давлат солик инспекциясининг намунавий тузил-

маси тасдиклансин. 7. Солик сохасида хукук бузилишларга карши тезкор курашиш бош бошкармаси ва унинг худудий бошкармалари, Назорат-тафтиш бош бошқармаси ходимлари учун республика бюджети хисобидан улар лавозим маошининг 20 фоизи микдорида махсус ус-

тамалар жорий этилсин. 8. Ўзбекистон Республика-

ВАЪДА

си Давлат солик кумитаси: икки хафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кумитаси тугрисидаги низомнинг янги тахририни хамда Солик сохасида хукук бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармаси, Назорат-тафтиш бош бошкармаси, Режим ва кадрлар бош бошқармаси тўгрисидаги низомларни ишлаб чиксин ва тасдиклаш учун Вазирлар

син ва уларни икки ой муд-

датда ушбу коллежлар ба-

засида 2000 йил 1 сентябр-

гача ҳар бири 200 ўринли

ихтисослаштирилган солик

коллежлари ташкил этиш үчүн Давлат солиқ қўмитаси

12. Ўзбекистон Республи

каси Давлат солик кумита-

си ва Молия вазирлигининг

Бухоро шахар ва Самарқанд

шахар Давлат солик инспек-

цияларини, шунингдек Фар-

гона шахридаги Киргули ту-

мани Давлат солик инспек-

циясини тугатиш тўгрисида-

Узбекистон Республикаси

Вазирлар Махкамасининг

"Узбекистон Республикаси

солик органларини янада

мустахкамлаш чора-тадбир-

лари тўгрисида" 1992 йил 20

Узбекистон Республикаси

октябрдаги 483-сон қарори;

Вазирлар Махкамасининг

"Ўзбекистон Республикаси

Давлат солик кумитаси фао-

лиятини ташкил этиш маса-

лалари тўгрисида" 1998 йил

12 январдаги 14-сон қаро-

рининг 1 ва 3-бандлари,

карорга 1-6-иловалар ўз ку-

чини йўқотган деб хисоблан-

каси Давлат солик кумитаси

Адлия вазирлиги ва Молия

вазирлиги билан биргалик

да бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси-

нинг амалдаги қонун хужжат-

ларига тегишли ўзгартириш-

пар ва кушимчалар киритиш

юзасидан таклифлар тайёр-

15. Мазкур қарорнинг ба-

жарилишини назорат килиш

Узбекистон Республикаси

Бош вазирининг биринчи

ўринбосари Б.С. Хамидов

и. КАРИМОВ

зиммасига юклансин

14. Ўзбекистон Республи-

ги таклифи қабул қилинсин.

13. Куйидагилар:

лансига берсин.

Махкамасига киритсин: шу йил 1 майгача давлат солик хизмати органлари ходимларининг янги кийим-бошини яратиш юзасидан танлов ўтказсин, бунда унга 2001 йилдан бошлаб ўтишни назар-

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошкармасига ва унинг худудий бошкармаларига хизмат кўрсатиш учун автотранспорт воситаларига қўшимча лимит ажратиш тўгрисидаги масалани бир ой муддатда ҳал қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат солиқ қумитасининг Солик сохасида хукук бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошкармаси тизимида ишлаш учун Ички ишлар вазирлиги Академияси битирувчилари орасидан тезкор-кидирув фаолияти буйича мутахассисларни йўллашни назарда тутсин.

11. Вазирлар Махкамасининг Курилиш ва курилиш материаллари саноати комплек-(Исаев) Ўзбекистон Рес-Давлат солиқ публикаси қумитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Бухоро ва Фаргона вилоятлари хокимликлари билан биргаликда Бухоро ва Фаргона шахарларидаги иккита янгидан қурилган касб-

Вазирлар Махкамасининг Раиси

Тошкент шахри, 2000 йил 13 март



Учкургон туманидаги «Кугайтаъмирлаш» акционерлик жамиятини нафакат Наманган вилояти да, балки республикада яхши билишади. Айни пайтда бу ерда қишлоқ хўжалик техникалари учун 35 турдаги эхтиёт қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу ўз навбатида техникалар умрига умр қўшмоқда. Корхонада мехнат қилаётган мухандисларнинг ихтирочилик фаолияти билан шуғулланиши учун барча қулайликлар яратилгани муваффакиятлар омили бўлмокда.

СУРАТДА: жамият раиси Исмоилжон Эргашев экиш мавсумига янги усулда хозирланган сеялканинг афзаллик томонлари ҳақида хўжалик рахбарлари билан сухбат-

Тохиржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

<u>НИЯТИМ ЮРТИМГА АСЛ</u> ФАРЗАНД БЎЛИШ

Мен Сурхондарёнинг олис Музработ туманида туғилганман. Мактабни медаль билан томомладим. 1997 йилда Тошкент Давлат иктисодиёт университетини муваффакиятли тугатиб, «Умид» жамғармаси бўйича АҚШнинг Төннесси штатидаги «Вандербилт» университетига ўкишга қабул қилиндим. Шу йили январ ойида эса уни муваффакиятли тугатиб, халқаро иқтисодий ривожланиш магистри унвонини

Дарвоке, чет элда таълим олиш менинг азалий орзуим эди. Аммо оддий оиладан чикканлигим сабаблими, молиявий ахвол дегандай, бу қўл етмас нарсадай бўлиб туюларди.

Президентимиз томонидан иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармасининг ташкил этилиши ўша орзуларимнинг амалга ошиши учун асосий омил бўлди. Ана шундай эътибор туфайли, мен, оддий қишлоқ йигити, етти ухлаб тушимга кирмаган давлатда бўлдим, тахсил олдим, хаётни ўргандим.

барча мамлакатларидан талабалар ўкишарди. Фақат биз, ўзбекистонликларгина ўз давлатининг хомийлигида таълим олишарди. Бошка юртлардан битта-иккита бўлгани холда биз накд ўн уч нафар эдик. Ана шундай эътиборда эканлигимиздан бизга хамиша хавас билан карашарди

$\Delta u \Lambda u 3 \chi o \rho u$

Чет элда ўқишнинг ўзи бўлмайди. Чунки, сенинг хар бир харакатинг, хулкатворинг, салохиятингга қараб Ўзбекистон ҳақида хулоса чикаришади. Биз ана шу масъулиятни хамиша хис қилиб турдик. Иқтидоримизни янада кенгрок намоён этишга харакат қилдик. Хатто бир математика профессорининг «Сизлар Ал-Хоразмийнинг асл фарзандлари экансизлар» деган мактовидан бошимиз шунчалар кўкка етдики, буни сўз билан ифодалаш қийин.

Бизнинг ҳар бир муваффакиятимиз Ватанимизнинг, Ўзбекистоннинг назарга тушиши учун бир қадам эди.

Бир куни университетда футбол мусобакаси бўлиб ўтди. Биз бразилиялик, аргентиналик, германиялик тенгдошларимизни хам догда қолдириб, биринчи ринни қўлга киритдик. Шундан сўнг, ўша бразилияликлар хам бизга, юртимизга кизикиб колишди.

Илк дафъа ўкишга келганимизда кўпчилик Узбекистон хакида тасав вурга эга эмасди. Кетаётганимизда эса барча бизнинг куёшли юртимиз, унинг саховатли одамлари тўгрисида маълумотларга эга бўлишди.

Мен бу гапларни мақтаниш учун, таъриф-тавсиф учун айтаётганим йўқ. Балки, баъзи тенгдошлари мизнинг турли бўлмагур йўлларга кириб қолаётгани, ҳар хил бузгунчи оқимлар васвасасига алданаётганли ги учун айтаяпман.

Бугун Ватанимизда ёшлар учун, уларнинг камоли учун жуда катта эътибор бериляпти. Президентимиз барчамизни фарзандим, деяпти. Ниятим асл фарзандлик бурчини оклаб, Узбекистоннинг равнақи учун хизмат килишдир.

ган, колганларига эса тушунтириш

берилган. Тумандан ташқари, яъни юкори ташкилотлар хамда оммавий

ахборот воситалари оркали 286 та

мурожаат қилинган. Бу ҳам 1998

йилга нисбатан 25 фоиз кўпайган.

Тахлиллар шуни кўрсатмокдаки, ту-

ман коммунал хўжалик идораси, са-

Иброхим ОТАМУРОДОВ.

Диккат: лизинг компанияси!

ДЕХКОНГА КАМАРБАСТА

Юзлаб, минглаб гектар ерларни шудгор килиш, экин экиб унга ишлов бериш, ерни ўтдан, зироатни зараркунандалардан халос этиш, хуллас, дала бойликларини парваришлаш учун хар хил техника воситалари керак. Хозирги бозор иктисодиёти шароитида уларни зарур пайтда бирдан сотиб олиш учун жамоа-ширкат, дехкон ва фермер хужаликларининг курби етмаслиги мумкин. Бундай вазиятда кишлок хужалик корхоналари, дехконлар, фермерларнинг ахволини тугри тушуниб, уларга ёрдам беришнинг окилона чора-тадбирларини излаш хозирги куннинг талабидир. Жумладан, узок муддат ли кредит (лизинг) асосида қишлокнинг техника билан таъ-минланишига кумаклашиш шундай имкониятлардан бири

Ана шу максадда ўтган йилнинг нихоясида Вазирлар Махкамасининг тегишли қарори асосида «Узқишлоқхужаликмашлизинг» акциядорлик лизинг компанияси (АЛК) тузилди. Компания 2000 йилнинг январ ойиданок Коракалпогистон Республикаси, Самарканд, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва бошка вилоятлардаги кишлок хужалиги корхоналари билан лизинг операцияларини бошлади.

Унинг вазифаси нималардан иборат? Мазкур компания «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» холдинг компанияси таркибида фаолият юритади, молиявий лизинг асосида кишлок хўжалик техникаси хамда уларнинг эхтиёт кисмларини иш-лаб чикарувчи машинасозлик корхоналари махсулотларини

сотиш билан шуғулланади. Дехконларга якин камарбаста бўлишга шайланган ушбу компаниянинг истикболи ишончли ва самаралидир. Буни олдиндан яхши тушунган республикамизнинг бир катор йирик вазирликлари, идоралари, банклари ва бошка ташкилотлар ўртасида мазкур лизинг компанияси акциялари аллақачон тақсимланди. Компания акцияларига чет эллик сармоядорлар хам қизиқиш билан қарамоқдалар. Масалан, қишлок хўжалик техникаларини ишлаб чикариш билан шугулланувчи бир катор немис фирмаларини ўзида бирлаштирган Германиянинг «Зелко» ассоциацияси шулардан биридир. Чунончи, бизнинг Узбекистонда шоли хосилини ўриб-йигиб олувчи комбайнлари билан яхши танилган Германиянинг «Clacc» фирмаси 100 миллион сўм хажмдаги «Ўзкишлокхўжаликмашлизинг» компанияси акцияларини сотиб олиш масаласини астойдил ўрганаяпти.

Шу кунларда лизинг компанияси бошқарувчи раиси В. Д. Карловнинг хонаси ана шундай мақсадда ташриф этаётган мижозлар билан гавжум. Улар лизинг шартлари билан атрофлича танишмоқдалар. Махсулот кредитларини топишга каратилган бу янги сохада фаолиятни баркарор бир тарзда йўлга қўйиш учун, лизинг берувчи ва лизинг олувчи томон ларнинг мажбуриятлари хукукий жихатдан малакали расмий лаштирилиши ва мустакил кафолатланиши даркор. Чунки лизинг — сотиб олинажак техникаларнинг туловларини бир неча йил муддатга, олдиндан режалаштирилишини такозо

этади. Хозирги кунда лизинг компанияси мутахассислари кишлоқ хўжалик техникаларига бўлган талабни, уларга таъмирпаш хизмати кўрсатиш билан боглик эхтиёжларни ўрганиш бўйича маркетинг тадкикотларини кизгин бошлаб юборди

лар, Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Махкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иктисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чукурлаштиришнинг устувор йўналишларига багишланган мажлисидаги маъ-рузасида лизинг компаниясининг фаолияти тўгрисида хам уз фикрларини айтдилар. Маърузада айтилганидек, бу сохада ишни муваффакиятли ташкил этиш учун «махсус конун

кабул килинди, барча шарт-шароитлар яратилди». Президентимиз томонидан бозор иктисодиётининг янги воситаси — лизинг компаниялари олдига куйилган вазифалар тўла-тўкис идрок этилиши ва хаётга собиткадамлик билан жорий қилиниши бугунги кунда мухим вазифадир

Зокиржон БОБОЕВ, **Ўзбекистон** Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Изланганга толе ёр

ишбилармонлар жиддий ГАПИРАДИЛАР

1995 йил эди. Кумкўргон туман хокимлиги айрим «тадбиркор»ларнинг гапига ишониб, биз якин ўртада велоси-пед ишлаб чикаришни йўлга куямиз, деган хабарни мат-буотда бериб юборганди. Аммо бу орзу ушалмади.

Кумкургоннинг бозорида бугун велосипед тополмайсиз. Узларику ишлаб чикаришолмади, лекин велосипедни бошка жойлардан хам олиб келиб сотишмайди. Туманда гумбурлаган заводлар, велосипед тугул мотоцикл тайёрлай ола диган мухандислар бор. Эхтимол, уларнинг бошини қовуштирувчи булгандами... Лекин эл-да, белини махкам боглаб майдонга чикади-

ганлар хамиша тогилар экан. Ана, туман бизнес мактаби жамоасининг «ўзимизда тўкимачилик фабрикасини курамиз» деган гапларига кўпчилик ишонишмовди. Мактанчоклик хам

деган гапларига купчилик ишонишмовди, мактапчокуля дамэви билан бўлса-да, дейишувди.
Ушалар бугун келиб, мархамат, мактабнинг цехларини кўрсин: бу ерда Германиянинг «Текстима», Польшанинг «Шигер» русумли ускуналари ишлаб турибди. Кунига 2 тонна ип йигирилади. АК-100 М машиналарида мато тўкилади. Матога бўёк сурилади. Матони бўяйдиган машина антикарок: бўёк сифатсиз

Матони бўяйдиган машина антикарок: бўёк сифатсиз бўлса ё меьёридан кам бўлса, ишламай тураверади. Мактабнинг бичиш-тикиш цехлари хам бор. Кўлкоп, пахта терадиган этак, болалар учун уст-бош, сочик ва бошка рўзгор ашёлари тикилиб, савдога чикарилмокда. Цехларни хозир Тўлкин Турсунов, Норбой Абдишукуров, Хусниддин Менгноров, Абдигулом Йўлдошев, Шамсилдин Турсуналиевлар юритишяпти. Уларнинг хаммаси шу мактабнинг ўзида тахсил олишган. Касб-хунар ўрганишган. Умуман, мактабни битирган 35 собик талаба хозир шу ернинг ўзида мехнат килмокда. Ўкитувчилар ўз хунарларини ўргатишмокда.

Мактаб тўкимачиларининг ўзига яраша муаммолари хам бор: менман деган жамоа хужаликлари мактаб цехларида тайёрланган махсулотларни харид килиб, энди унинг пули-ни тулай олмай турибди. Хомашё таъминоти силлик кучмаяпти. Ишлари юришиб кетсами, бу ерда кунига 7 минг метргача мато тўкиш, матони бўяш мумкин.

— Биз имкониятларимизга қараймиз. Эхтимол, якин орада мактабимизда велосипед ишлаб чиқаришни хам йўлга кўярмиз, — деб колди мактаб директори ўрок Мардонакулов. Директор бу гапни хазил йўсинида айтди. Ғайратли ишармонларнинг хазил гапларини хам одамлар жиддий

қабул қиладилар. Улардан каттароқ ишларни кутадилар O. YCAHOB. «Халқ сўзи» мухбири.

CYPOB

ГУЛ ВА ТИКАН

«Халк сўзи» мухбири: «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятига доир фикрингиз?» — деган савол би-лан бир гурух газетхонларга мурожаат килди. Куйида дастлабки жавобларни ўкийсиз. Тошкент Иктисодиёт университетининг доценти Зухра

САФАРОВА:
— Билсангиз, асл тадбиркор учун ишбилармонлик факат иктисодий манфаатлар доираси билан чекланмайди. Тарихдан маълумки, акл-идрокли сармоядор факат хазинасини купайтиришни ўйламайди, элим, юртим деб қайғуради. Хеч иккиланмасдан маданият, маърифат, согликни саклашнинг ривожига, ободончиликка мумай-мумай маблаг сарфлаган давлатмандларнинг кўпини биламиз.

Хозир хам бу анъана бархаёт. Хакикий ишбилармонлар ижтимоий муаммоларни ечишга, таълим-тарбия муассасаларига хомийлик килишаётганини кўриб турибмиз. Бу саъйхаракатлар уларда мамнуният, коникиш хиссини кучайтири-

Шундай инсонлар бор бўлсин! Узбекистон Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба ующмаси марказий кумитасининг мас лахатчиси Кудрат БУРИЕВ:

лахатчиси кудрат БУРИЕБ.
— Афсуски, энг кўп даражада фойда олишга интилиб, одамгарчиликни, инсофни унутаёттан тадбиркорлар хам йўк эмас. Алмисокдан колган ускуналардан фойдаланиш кўпинча бахтсиз ходисаларни келтириб чикараётир. Ишловчи ши кастланса, касал бўлиб қолса, нафақа тўлашдан қочиб юрган ишбилармонлар хакида хам эшитиб коламиз. Иш жойларида санитария-маиший шароитларни яхшилаш учун маблағ ажратишда титраб-қақшайдиганлар хам бор.

Университетда дунёнинг

Хокимнинг кабул куни

Газетхоннинг ёдида бўлса, тахририят йил бошида «Хоким хузурида», «Хокимнинг қабул куни», деб номланган бир қанча янги рукнлар жорий қилишни кўзда тутган эди. Ваъдага вафо қилиш учун орадан куп утмай муддаомизни тушунтирган холда айрим вилоят ва шахар хокимларига ёзма мурожаат қил-

дик. Лекин... Лекин. афсуски. хозиргача улардан садо чикмай турибди. Тошкент шахрининг Хамза тумани хокимияти билан боглансак, таклифимизга бажонидил рози бўла қолишди. Аввалига сал хайрон қолдик. Шунча хоким сукут саклаётган бир пайтда, ахир, хайратланмай бўладими? Кейин ўйладик, тўгри-да, бунинг қандай сири ёки қурқадиган жойи булиши мумкин. Шундай қилиб, душанба куни соат 16.00 да туман хокими Рахматилла Мухаммадхўжаевнинг кабул кунида иштирок этдик.

МУДДАО

Аввало, тахририят бу рукнни шунчаки очгани йўк. Аксинча, унинг бир қанча сабаб-йўриги бор. Биринчидан, газетамизнинг мавзу йўналишлари шуни такозо этади Иккинчидан, қонунчилигимизда хокимларга катта хукук ва ваколатлар берилган. Учинчиси, бунга тахририятимизга газетхонлардан келаётган мурожаатлар туртки бўлди. Тўртинчиси, биз хукукий демократик давлат, фукаролик жамиятини шакллантиришни мақсад қилган эканмиз, хукукий маданият мавзуси эътиборимизда бўлиши керак. Бешинчиси...

«...ЭНДИ СЕН ГАПИР»

Мутахассислар, одатда, фукароларнинг ариза ва шикоятлар ёза бошлашини иккита сабаб билан изохлашади. Биринчиси, уларнинг хукукий саводхонлик даражаси билан боглик бўлиши мумкин. Иккинчиси, айникса, ўрта бўгин рахбарларининг қонунда белгиланган бурчларини тўлик уддаламаслиги натижасидир. Улар кўпинча хукук ва ваколатларини унутишмайди, лекин бурч хакида гап кетганда негадир фаромуш бўлишади. Биргина совукконлик эса канчадан-канча сарсонгарчилигу оворагарчиликларни тугдиради. Масалан, сурхондарёлик фукаро туман доирасила. борингки, вилоят микёсида ечиладиган масалани ҳал қилиш учун Тошкентгача келишга мажбур бўлади. Ана энди биргина Сурхондарёдан Тошкентга келиб кетишнинг ташвишини ўйланг: у ҳар қандай одамни «чарчатиши» тайин.

Маълумотларга қараганда, тахририятимизга 1999 йил давомида энг кўп ариза ва шикоят Сурхондарё хамда Кашкадарёдан тушибди. Уларни ўрганиб чиксак, аксариятини ўша жойнинг ўзида ҳал қилса бўларкан. Демак, жойларда ўрта бўгин рахбарлари томонидан қилинаётган совуққонлик, лоқайдлик ёхуд расмиятчилик ана шундай оворагарчиликларнинг руй беришига сабаб булаянти, дейиш мумкин. Назаримизда, фукаролар

мурожаатларини жойида хал қилишни такомиллаштириш, таъсирчан йўригини ишлаб чикиш керакка

Биз юкорида хокимларнинг хукуклари ҳақида гапирдик. «Маҳаллий давлат хокимияти тўгрисида»ги қонунда «вилоят, туман, шахар хокими вилоят, туман ва шахарнинг олий мансабдор шахси...» деган сатрлар бор. Демак, хокимларга куп нарса боглик экан. Агар туман, шахар ёки вилоят хокими фукароларнинг иссик-совуги, ташвиши ва кувончидан вокиф бўлса, улар мурожаатларига безътибор қарамаса

билан дастлаб туман ҳокимиятининг умумий бўлимига мурожаат қилади. бўлсин, қайд қилинганидан кейин, мазмун-мохияти, кулами ва табиатига қараб тегишли бўлим, хоким муовини ёхуд хокимга чикарилади. Мурожаат қилувчига ким, қачон қабул қилиши ҳақида аниқ маълумот берилади. Юкори ташкилотлар оркали келган мурожаатлар хам асосан ана шу тартибда хал килинади. Бевосита ёки билвосита қилинган мурожаатларнинг хаммаси туман хокимиятининг умумий булими назоратида

корлар унга Москвага йўлланма берган. Бориш, даволатиш ва қайтиш Унинг, хох ёзма, хох огзаки шакли учун 1000 АҚШ доллари лозим бўлар экан. Хокимият ташаббуси билан тупланган пулни Марказий банк орқали конвертация қилиб олибди. Эртага самолётга чикар экан. Шуни биллиргани, шу бахона миннатдорчилик айтгани келибди. Хамма унга оқ йўл тилади.

Қабулга биринчи бўлиб ёзилган Г. Усмонов номли махалла кумитаси раиси Ш. Шоусмонов хомийлар билан биргаликда хокимдан янги махалла идорасини қуриш учун рухсат сўради. Хоким, табиийки, уларни

ХАПК БИЛАН МУЛОКОТГА TAMEPMICUS?

ортикча оворагарчиликка эхтиёж колмайли.

Газетхонлар айрим хокимларнинг хатто қабул кунлари йўклиги, бор бўлса хам ўша куни ўзлари эмас, фақат муовинлари номигагина қабул қилишларини ёзишган. Бу гапларда, бир чимдим бўлса хам хакикат бор. Агар хакикат бўлмаганда эди, ўша худулда хал бўладиган масала Тошкентгача етиб келмасди.

«Фукароларнинг мурожаатлари тўгрисида»ги қонуннинг 12-моддасида: «Барча даражадаги депутатлар, давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рахбарлари хамда бошка мансабдор шахслари фукароларни кабул килишлари шарт. Қабул мунтазам, белгиланган кун ва соатларда, фукаролар учун кулай вактда ўтказилади», дейилган. Ва хатто агар мансабдор шахслар фукароларнинг мурожаатларини кўриб чикишни ғайрихукукий тарзда рад этса, кўриб чикиш муддатларини узрли сабабларсиз бузса ёки уларнинг мурожаатлари юзасидан асоссиз, конунга зид карорлар қабул қилса... жиноий жавобгарликкача жазога тортилиши кўзда тутилган.

КАБУЛДА

Хамза тумани хокими Рахматилла Мухаммадхўжаевнинг қабул куни хар хафтанинг душанбасида соат 16.00 дан бошланар экан. Бундан ташкари хоким ўринбосарлари, бўлим мудирларининг хам қабул кунлари жорий этилган. Улар фукароларни, табиийки, ўзлари шуғулланадиган сохалар

бўйича қабул қилади. Фукаро ариза, шикоят ёки таклиф

Уша куни хоким кабулига расман 9 киши ёзилган экан. Қабул белгиланган вактида бошланди. 9 киши 4 хил масала буйича мурожаат килишди. Қабул чоғида, табиийки, ана шу 4 соха бўйича хоким муовинлари хам хозир бўлишди. Умумий бўлим мудираси Фотима Каримованинг айтишича, булар аввал хоким муовинларининг хам кабулида булишган. Айримлари хоким кабулига факат миннатдорчилик билдириш учун ёзилган бўлса, бошқалари мурожаатлари натижасидан қониқмаган бўлиши мумкин. Бўлим мудираси ўтирганларга - хокимга, унинг муовинларига қабул қилинаётган кишиларнинг исмфамилияси, яшаш жойи, аризанинг кискача мазмуни хамда мутасалли ходимнинг исми кайд этилган маьлумотномани берди. Кейин уларни навбати билан ҳоким қабулига бошлаб кирди.

Фотима Каримова даставвал бемор қизи билан келган Людмила Котловани, гарчи рўйхатга ёзилмаган булса-да, навбатсиз киришини илтимос килаётганини айтди. Хоким унинг исми тилга олиниши биланок таниди

- Кизини олиб келган Котловами, - деди. Тасдик ишорасидан кейин: - айтинг, кирсин, - деди. Хонага 20 ёшли қизини қўлидан етаклаб олган аёл кирди. Рахматилла Ахмедович, сизга бу

гал илтимос ёки ариза билан эмас.

факат миннатдорчилик билдиргани

келдим. Эртага қизим билан Моск-

вага, Фёдоров клиникасига кетаяпмиз. Хаммаси учун рахмат... Аёл гапирар, гапира туриб йиглар, кўз ёшлари юзини тинимсиз ювар эди. Айтишларича, бу аёл туман хокимиятига икки марта мурожаат қилган. Қизи автохалокатдан кейин қаттиқ жарохатланган. Ўзимиздаги муолажалардан кейин шифоқўллаб-қувватлади. Қурилиш давомида хокимият хам қараб турмаслигини айтди. Тадбиркор Акбар Собиржоновнинг сартарошхона куриш буйича илтимоси хам ижобий хал қилинди. Уруш қатнашчиси Соли Орипов ахоли яшайдиган уй-жойлар орасида ноқонуний ишлаётган ошхонани олдириш юзасидан жамоатчилик аризаси кондирилгани учун хокимга махалладошлари номидан ташаккур билдирди... Хоким мурожаат килганларни сабр-токат билан эшитди, босик-вазмин муносабатда бўлди. Унга масалаларни ойдинлатишда тегишли сохалар бўйича муовинлари ёрдам бериб туришди.

Кабул бир соатлар давом этди. Ундан хеч ким норози бўлиб чиккани йўқ. З. Умурзокованинг уй-жой масаласи хакидаги мурожаати хам, гарчи анчадан буён тортишувга сабаб бўлаётган бўлсада, унга тушунтирилиб, иложи борича ёрдам берилиши айтилди. Қабул давомида хокимга мурожаат қилган аксарият фукаролар ўз хак-хукукларини тўла билмасликлари, мавжуд конун-коидалардан бехабарликлари аён бўлди. Назаримда, туман хокимиятларида юридик хизмат кўрсатишни кучайтириш керак. Шунда, эхтимол, кўпданкўп чигаллик ва англашилмовчиликлар ўша жойнинг ўзида хал қилинган булар, иккинчи томондан, бу фуқароларимизнинг хуқуқий савиясини оширишга кумак берарди.

ТАХЛИЛ

Маълумотларга қараганда, ўтган йил давомида Хамза тумани хокимиятига фукаролардан ариза, шикоят ва таклиф тарзида жами 2100 та оғзаки ҳамда ёзма мурожаатлар келиб тушган. Бу 1998 йилга нисбатан 335 тага кўпайган. Мурожаатларнинг ярмидан кўпроги - 1063 таси шу жойнинг ўзида ижобий хал қилин-

нитария тозалиги маъмурияти хамда автойўлмехбаза ташкилотлари билан бевосита боглик бўлган мурожаатлар сони сира хам камаймаяпти. Масалан, коммунал хизмат бўйича ўтган йили 533 та мурожаат тушган. Бу 1998 йилнинг шу даврига нисбатан 30 фоиз кўп дегани. Аслида бу муаммолар туман хокимияти даражасига чикиши шарт эмас эди. Буни факат мазкур ташкилот рахбарларининг мавжуд муаммоларини ўз вактида кўриб чикмаслиги ёхуд ташлаб қўйиши билан изохлаш мумкин. Бундан ташқари, фукароларни доимий руйхатга олиш, ноконуний курилишларни бузиш, машина турар-жойларини расмийлаштириш, мавзе ичидаги йўлакларга асфальт ёткизиш хамда кўчаларни ёритиш масалалари долзарблигича колмокда. Шу ўринда кишида беихтиёр мулохаза тугилади. Бундан икки йил илгари мамлакатимиз Парламенти Уй-жой мулклорлари ширкатлари тўгрисида конун кабул килган эди. Унга асосан шахар жойларида «ЖЭК»ларни ширкатларга айлантириш имконияти пайдо булди. Бугун ижара корхоналари ўзини окламаётган шикоятлар кўпайгандан-кўпаяётган экан, демак, унинг битта йўли бор: «ЖЭК»ларни мавжуд қонунга мувофик ширкатларга айлантириш жараёнини тезлатиш керак. Холбуки, ширкатлар жахоннинг энг йирик шахарларида хам ўзини хар жихатдан оклаган мулк шакли сирасига киради. Шундай экан, қизиқ, биз яна нимани кутишимиз керак?

Шуниси борки, жойларда фукароларнинг мурожаатларини кўриб никиш муддатларига негадир кўпда риоя килишмайди. Хамза тумани хокимиятида бўлганимизда ана шу масала билан хам кизикдик. Аникланишича, шахар хокимияти оркали келган иккита аризани кўриб чикиш муддати бир кунга, туман хокимиятига келган битта ариза бир кунга, иккинчиси 6 кунга кечиктирилган. Лекин мутасадди кишилар қонунга мувофиқ туман ижроия махкамаси мажлисида қаттиқ огохлантирилган. 2100 та мурожаатга нисбатан бу камми ёки кўп? Албатта, кам. Лекин умуман бундай мурожаатларнинг булмагани яхши-да.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз рахбари хукукий сохадаги ислохотларни амалга оширишни асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгилади. Бунинг учун, аввало, фукароларнинг хукукий савиясини ошириш, хакхукукини таниши, у оркали жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш, шакллантириш лозим бўлади. Зеро, «Хокимнинг қабул куни» рукнини жорий этишдан асл муддао хам шу. Бу жараён биз, сиз ва уларнинг фаолияти, фаоллигимизга боглик. Кўриб турганингиздек, унинг хукукий асослари бор ва у хали яна

мукаммаллаштирилади. Исмат ХУДОЁРОВ. «Халқ сўзи» мухбири.

Ватанимиз тарихини биласизми?

ЯНГИЧА МУНОСАБАТ,

SHUNA TACKUH

Мустақиллик ҳар биримизга тарихимизни янгидан, ҳаққоний ўрганиш учун имкон яратди. Ўтган саккиз йил мобайнида Президентимизнинг ташаббуси билан халқимиз тарихий ва маданий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, меъморий ёдгорликлар ва қадамжоларни сақлаш ва таъмирлаш ишларига алохида эътибор қаратилиб, бу сохада бекиёс ишлар амалга оширилди. Давлатимиз рахбари нафакат илгор тарихиймаданий анъаналарни янги асосларда давом эттириш ва ривожлантириш, балки тарихимизни тиклаш, шу билан бирга, тўпланган умумбашарий қадриятларни янада кўпайтириш, тарихимизни холисона тадқиқ этиш каби дастуриламал бўладиган янгича дунёкарашни хам илгари сурмокдалар. Хўш, республикамиз тарихчи-олимлари ушбу вазифаларни кай даражада уддалай олаяптилар?

Биз Ўзбекистон янги тарихи марказининг илмий котиби, тарих фанлари номзоди **Ўктам Мавлонов билан шу хусусда, ва умуман бугунги кунда олиб борилаётган тадки**қотларнинг хулосалари хусусида сухбатлашдик.

Узбекистоннинг янги тарихи маркази илмий ишларни кай йўсинда амалга оширмокда? Дастлаб ўкувчиларимизни шу ҳақда хабардор килсангиз.

 Узбекистон тарихини ўрганиш — давлат ахамиятига молик масала. Бу йўналиш, тарихга янгича муносабат Пре-

зидентимизнин бир катор асарларида ўз аксини топди. Халкимиз тарихини тадкик этиш ва ўрганишга масъул бўлган барча илмий ва ўкув даргохларида бу сохада купгина самарали ишлар олиб борилаяпти. Лекин турли долзарб тарихий мавзуларни ёритишда, тарих-

и ўрганишда илмийлик холислик мезонларига риоя килишда, тарихга муносабат масаласида ўз ечимини кутаёттан бир қатор муаммолар сақланиб колмокда.

Тарих фанидаги долзарб муаммолар ечими буйича Узбекистоннинг янги тарихи марказида бир қатор ишлар амалга оширилди. Агар марказнинг 1999 йилдаги илмий-тадкикот, ўкув-услубий ва тарғибот-ташвикот сохасида олиб борган ишларига назар ташласак, Тарих маркази республикамиздаги мухим илмий-маърифий даргохлардан бирига айланиб бораётганлигига икрор бўламиз. Ўтган йили «Ўзбекистоннинг янги тарихи» 3-жилдлик китобини тайёрлаш бўйича олиб борилган тадкикотлар нихоясига етказилиб, унинг «Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида» деб номланган 1-жилди ва «Мустакил Ўзбекистон тарихи» номли 3жилди чоп этиш учун «Шарқ» нашриёт матбаа-концернига топширилди. «Ўзбекистон совет истибдоди даврида» деб аталган 2-жилди қўлёзмаси марказнинг ижтимоий-илмий кенгашида мухокама қилинди. Хозирги пайтда билдирилган фикр ва мулохазалар асосида тузатилиб, нашрга тайёрлаш ишлари нихоясига етказилмок-

1999 йилда Марказ ходимлари 40 дан ортик илмий маколалар, рисолалар, монография ва дарсликлар яратиб, чоп этдилар. Улар ичида сиёсатшунос олим Н. Жўраевнинг Тарих фалсафаси» асарини «Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустакиллик ва тараккиёт учун кураш» номли даврий тўпламни айтиб ўтиш мумкин. Бу тўпламда республикамизнинг таникли олимлари (Х. Зиёев, О. Шарафутдинов, Д.Алимова, Н.Каримов, Б.Косимов, Ш.Ризаев ва бошкалар)нинг мақолалари ҳам ўрин олган. Марказ ходимлари (Д.Алимова, С.Аъзамхужаев) профессор А.Азизхўжаев рахбарлигида «Унутилмас сиймолар: жадидчилик харакатининг намояндалари» номли фотобиографик альбомни тайёрлаб, нашр эттирдилар. Бу альбом хам республика жамоатчилиги томони-

дан илиқ кутиб олинди. Маълумки, хозирги пайтда Ватанимиз тарихини ўрганишга кизикиш нихоятда катта. Шу муносабат билан халкимизга, хусусан,

келажагимиз бўлган ёш авлодга, мактаб ўкувчиларига Ватанимизнинг турли даврлар тарихи хакида хакконий тарихий билимлар бериш сохасида нималар килинди?

- А.Сагдуллаев, Н.Норкулов, В.Костецкийлар томонидан Узбекистоннинг янги тарихи марказида тайёрланган умумтаъ-

лим мактабларининг 6-синфи

учун «Ўзбекистон тарихи» дарс-

лиги бу долзарб вазифани ба-

жариш ишида катта хисса бўлди.

Узбек тилида (кирилл ва лотин

ёзувида) ва рус тилида чоп этил-

ган бу дарслик ўрта мактаблар

учун ижтимоий (гуманитар) со-

хадаги дарсликлар ўртасида

ўтказилган республика танлови-

да фахрли 1-ўринни эгаллаб,

«Йилнинг энг яхши дарслиги»

дарсликлар орасида умумтаълим

мактабларнинг 8-синфи (Н.Нор-

кулов, Ў.Жўраев), 9-синфи (Ж.Рахимов) ва 11-синфи

(Н.Жўраев, Т.Файзуллаев, Қ.Ус-

монов) учун ёзилган «Ўзбекис-

тон тарихи» дарсликлари ҳам

борлигини айтиб ўтиш жоиз.

Бундан ташкари марказ ходим-

лари (Ў.Мавлонов, Б.Аминов)

олий ўкув юртлари талабалари

учун ёзилган ва «Университет»

нашриётида чоп этилган «Узбе-

кистон тарихи» дарслигининг 2-

нашрини тайёрлащда хам фаол

тадкикотчи олимларнинг ил-

мий изланишлари хакида,

ёшлар билан ишлаш тўгри-

самарали фаолият кўрсатишла-

ри учун барча шароит яратил-

ган. Бунинг натижаси ўларок,

марказнинг етакчи илмий ходи-

ми Т.Тогаев бошчилигидаги му-

аллифлар гурухи томонидан

«Ўзбек тилининг кирилл ва ло-

тин алифболаридаги имло луга-

ти» номли қўлланмаси «Шарқ»

нашриёт-матбаа концернида чоп

адабий тилида кенг истеъмолда

булган, шунингдек, кейинги йил-

ларда тилимизга жадаллик би-

лан кириб келаётган 14 минг-

дан ортиқ сўз, терминлар кири-

тилган бўлиб, уларнинг кирилл

ва лотин алифболаридаги ёзи-

лиши кўрсатилган. Давлат тили-

ни ўрганишнинг ахамияти ортиб

бораётган, лотин ёзувига асос-

ланган ўзбек алифбосига ўти-

лаётган хозирги пайтда бу лугат

янги ўзбек ёзувида тезрок са-

вод чикаришимизга кумаклаша-

олими М. Ахмедов машхур та-

рихчи Хондамирнинг «Қонуни

Хумоюний» асари таржимаси ва

«Конуни Хумоюний — мухим та-

рихий манба» мавзусида ном-

зодлик диссертацияси устида

иш олиб бормокда. Бу йўналиш-

да бир неча маколалар ёзиб,

республикамиздаги етакчи жур-

Марказимизнинг яна бир ёш

диган мухим қўлланмадир.

и Пусатга

сида нималар дея оласиз?

Тарих марказидаги ёш

Марказда ёш олимларнинг

иштирок этдилар.

Тарих марказида яратилган

деб эълон килинди.

налларда чоп этишга улгурди. Д. Муитов, Х. Хидиров каби ёш ходимларимиз хам марказда олиб борилаётган илмий тадкикотларда фаол иштирок этиш билан бирга белгиланган илмий мавзу бўйича тадкикотлар олиб бормокдалар.

Талаба ёшлар билан яқиндан

хам марказда белгиланган режа

буйича ишлар амалга оширил-

мокда. Шу йилнинг 17 февра-

лида академияда фаолият кўрса-

таётган фидойи ёшлар клуби би-

лан хамкорликда «Она Ватан та-

рихига саёхат» мавзусида учра-

шув-сухбат ташкил этилди. Тош-

ДУ тарих ва журналистика фа-

культети, Шаркшунослик инсти-

тути ва бошка олий ўкув дар-

гохлари тарихчи талабалари қат-

нашган бу сухбат жуда жонли,

қизиқарли ва бахсларга, савол-

жавобларга бой бўлди. Ёшлари

мизнинг тарихимизга муносаба-

тини белгилашда, колаверса, та-

рихга хурмат рухида тарбиялаш-

да бундай сухбатлар аудитория-

даги маърузаларга кура сама-

ралирок таъсир кўрсатиши мум-

кин. Йигилиш сўнггида бундай

учрашувларни тез-тез ташкил

этиб туришга, тарих маркази

кошида «Ёш тарихчи» тўгараги-

олимларининг илмий изла-

нишлари, мавзуларини муво-

фиклаштириш ва илмий тад-

кикотларда уларнинг ёндо-

шувларини кенгрок ўрганиш

борасида қандай ишлар

ташаббуси билан 2 та йирик ил-

мий анжуман ўтказилди. 1999

йил 7-8 январ кунларида Ўзбе-

кистон Республикаси Президен-

ти хузуридаги Давлат ва жами-

ят қурилиши академиясида бўлиб ўтган «Ўзбекистоннинг

янги тарихи. Концептуал-мето-

дологик муаммолар» мавзусида-

ги илмий-амалий анжуман рес-

публикамизда тарих фанини ри-

вожлантириш, мавжул муаммо

лар ва уларнинг ечими буйича

фикр алмашищда мухим ахами-

ят касб этган йирик тадбирлар-

дан бўлди. Республика микёси-

да бўлиб ўтган бу анжуманда 38

та илмий ташкилотдан тарихчи

олимлар қатнашди, тарихимиз-

нинг долзарб масалаларига ба-

ғишланган 78 та маъруза тинг-

ланди ва мухокама этилди. Кон-

ференция материаллари тўплам

холида чоп этилди, унда Мар-

каз ходимларининг хам кўплаб

16-18 сентябр кунлари Давлат

ва жамият курилиши академия-

сида бўлиб ўтган «Ўрта Осиё XX

аср бошида: ислохотлар, янги-

ланиш, тараққиёт ва мустақил-

лик учун кураш (жадидчилик,

мухториятчилик, истиклолчи-

лик)» мавзусидаги халкаро ил-

мий анжуманнинг ташкилотчила-

ридан бири бўлди. Унда Европа

Тарих маркази ўтган йилнинг

мақолалари ўрин олган.

Утган йили тарих маркази

амалга оширилмокда?

Республика тарихчи

ни тузишга келишиб олинди.

давлатлари, АҚШ, Туркия, Япония, МДХ мамлакатлари ва республикамиз олимлари хам ўз маърузалари билан катнашдилар. Булардан ташкари (Тошкент, Самарқанд, Қарши) бўлиб ўтган йирик анжуманларда хам марказимиз олимлари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

Республика тарихчи олимларининг фаолияти билан бевосита танишиш, колаверса, олиб борилаёттан илмий тадқиқотларни мувофиклаштириш мақсадида марказимизда «Ўзбекистон тарихчилари» деб номланган библиографик-маълумотнома тарзида китоб тайёрлаш устида хам иш олиб бораягімиз. Барча илмий даргохлар, олий ўкув юртларига махсус анкета-сўровномалар юборилган. Хозир тарихчи олим-

ларимизнинг илмий фаолиятлари тўгрисида тўпланган маълумотларни ўрганиб чик-

 Уктам ака, халқимизни кадим тарихимиз билан якин дан таништиришда, ёш авлоднинг тарихий хотирасини шакллантиришда оммавий ахборот воситала

рининг ахамияти катта. Шу маънода, тарих маркази оммавий ахборот воситалари билан қай йўсинда хамкорлик қилмокда?

Тарих маркази фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири бу - оммавий ахборот воситалари билан ижодий хамкорлик қилиш орқали халкимизни бой, шонли тарихи миз билан таништириб бориш, тарихга онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Тарихни хакконий ёритиш учун тарихий манбалардан тўгри фойдаланиш, тўгри илмий-услубий йўналишни тан лаш жуда мухимдир. Президентимизнинг бир қатор асарларида бу хакда жиддий услубий курсатмалар бериб утил-Буларни хаётга, тарих фани сохасига жорий этиш бўйича хам марказда бир катор ишлар олиб борилди. Хусусан, марказ ходимлари нинг республикамиздаги етак чи газеталарда («Халқ сўзи» «Маърифат», «Туркистон» «Фидокор», «Хуррият») маколалари ва давра сухбатлари

Президентимизнинг «Мулоқот» журналида босилиб чиққан (1998, №5) «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асари бўйича Тарих марказида бўлиб ўтган ва «Халк сўзи» газетасида чоп этилган (1999 йил 7 январ) давра сухбатида хам тарих ва мустакиллик, тарих сабоклари, тарихга муносабат каби долзарб мавзуларда

босилиб чикди.

фикрлар билдирилди. Республика телевидениеси ва радиоси оркали эфирга пгина тарихий **узатилган** ку мавзулардаги кўрсатув («Асса лому алайкум», «Ўзлик», «Ёнмаган ёзувлар», «Эркин фикр») ва эшиттиришларда марказ ходимлари долзарб тарихий мавзулар бўйича, тарих фанининг вазифа ва муаммолари хакида фикр-мулохазалари билан иштирок этдилар.

Умуман, Тарих маркази таргибот ишлари Ватанимиз тарихига янгича ёндошиш, турли тарихий жараёнлар ва вокеаларга холисона бахо бериш, энг кадимги даврлардан то бизнинг замонамизгача булган бой тарихий утмишимизга хурмат, ёш авлодни юксак ватанпарварлик ва маънавий баркамоллик рухида тарбиялаш каби вазифалар билан боглик холда олиб борил-

Э. БОЛИЕВ сухбатлашди.



3PTAFH KAPAM

Олтинсой туманидаги Улугбек номли ширкат хўжалигида ер билан тиллашадиган тажрибали дехконлар кўп. Ижарачи Эркин Курбонов ана шулардан бири. У ўз қарамогида ги 1.5 гектар майдонга оила аъзолари билан плёнка остига эртаги карам экканди. Сидкидилдан қилинган мехнат ўз самарасини берди. Айни пайтда етиштирилган мулхосил шахарликлар дастурхонига тортик

 Фақат ерга мехр қуйилса бас, – дейди
 Эркин ака. – У ўз саховатини аямайди. Айникса, об-хаво шароитимизнинг дехкончи-лик учун кулайлиги бизга ердан 3 марта хосил олиш имконини беради. Мана, дастпабки хосилни йигиштириб олишга киришдик. Максадимиз халкимиз дастурхонига 30 тоннадан ортик сервитамин махсулот етка-

СУРАТДА: ижарачи Эркин Курбонов. Т. ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

КАЧОН ХАЛ БЎЛАДИ?

лиги бўлган (кар ва соқов) болаларга таълим беришда дастлабки мулокот воситаси сифатида дактил нутк ўргатилади. Дактил нутк, аслида, бармок белгилари бўлиб, улар хар бир тил учун қабул қилинган ёзувни ўзида акс эттиради. Яъни болалар биринчи сўзларни бармоқлар орқали айтадилар. Кейин бармокдаги шаклларни харфли ифодага ўтказиб, саводлари чикади. Шу сабабли уларнинг саводхонлиги бармок (дактил) алифбоси билан чамбарчас боғ-

Халқ таълими вазирлигининг буйруғига биноан, махсус таълим муассасаларининг ўкувчиларини янги, лотин имлоси асосидаги ёзувга ўтказиш тадбирлари ишлаб чикилган эди. Бу тадбирлар ичида кар ва заиф эшитувчи ўкувчиларга янги ёзувни ўргатиш учун янги

дактилемалар зарурлиги қайд этилган. 1996 йилдан бошлаб А. Авлоний номли халк таълими ходимлари малакасини ошириш институти махсус таълим кафедрасида «Кар ва заиф эшитувчи болалар мактабларининг бошлангич синф ўкитувчилари учун янги ўзбек ёзуви ва дактилемаларини ўргатиш» бўйича бир ойлик курслар ўтказилди. Хар курсда республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан

жаъми 22 нафар тингловчи янги ўзбек | алифбосини янги дактилемалар асосида ўргатиш услубларини эгаллаб, махсус мактаб-интернатларида синов ишларини бошладилар. Улар янги ёзув ва дактилемалар билан юз фоиз таъминландилар. Яқинда тажриба натижаларини аниқлаш мақсадида институтда ишчи гурухи тузилди. Вилоятларга бориб, дактилема ёзуви ўқиш жойларида қандай амалга оширилаётгани текширилди. Шуниси кувончлики, республикада мавжуд 18 та кар ва заиф эшитувчи болалар мактабинтернатларининг 12 таси (бошлангич синфлари)да таълим-тарбия янги миллий дактилема асосида олиб борилмокда. Юкори синф ўкувчилари эса хафтасига 2 соатдан факультатив машгулот лар давомида янги ёзувни янги дактиле ма асосида ўрганмокдалар.

Афсуски, хамма жойларда хам ишлар кўнгилдагидек эмас. Чунончи, Андижон вилояти 17-кар болалар мактабининг 2-3-4 синфларида, Наманган вилояти 46кар болалар мактаб-интернатининг 1-4 синфларида ва Тошкент шахрининг 101, 106-мактаб-интернатларида ишга совукқонлик билан қарашган. Улар бошида, янги ёзувни янги дактилема асосида ўтиб, орадан бир оз вакт ўтгач, яна орқага қайтишга «мажбур» бўлишган. Гап шундаки, вазирлик томонидан «янги дактилемага ўтиш» ҳақида «алоҳида» буйрук чикмаган. Шу сабабли, юкорида тилга олинган интернатлар жамоаси яна эски кирилл ёзуви асосидаги дактилемада таълим-тарбия ишларини олиб боришмокда. Айримлари ўкитиш асосларини икки йил ичида 3 марта ўзгартириб, «тажриба» қилишга хам улгуришган. Оқибатда, ўқувчиларнинг саводхонлиги бузилди. Жумладан, Наманган вилоятида 3-синф ўкувчилари хатто бўгинлаб ўкиш малакасига эга эмас. Ёзувда чалкашликларга учрамокдалар. Малакасини ошириш учун институтга келган ўкитувчилар билан бўлган сухбатлар хам фикримизни яна бир бор тасликлайли.

Хўш, карларни лотин ёзувига ўргатишда лотин дактилемасини қўллаш масаласи қачон ҳал бўлади? Энг афсусланарлиси шундаки, шу сансалорликлар натижасида ёшлар билимсиз бўлиб колишмокда.

Уйлаймизки, мутасадди ташкилотлар юзага келган муаммони тезкорлик билан хал этадилар.

Шухрат ХИДОЯТОВ, Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти катта ўкитувчиси.

Милициянинг тезкор фаолиятидан

ўзларига чох

Одамзоднинг табиати кизик. Нафсга эрк беради-ю, бирок ўзининг эрки бўгилиб колишини хаёлига келтирмайди. Бўлмаса, Кашкадарё вилоятининг Карши шахри даги «Насаф» дехкон бозо-рида жойлашган "Олмос" хусусий дуконига ертула оркали киришиб, О. Саидовнинг 1 миллион сумликдан зиёд юмларини ўғирлаб кетган ўгрилар бу ишга кўл урар-

Шундай килиб, хозирча иб ушланган Кўкак кишлоги фукаролари Л. Қо-раев, Ж. Рахимов ва С. Ше-ровлар дўконга кириш учун лахмни кандай казишганини

АВВАЛ ПИЧОКНИ

ларнинг ўзаро жанжал окибатида бошка бир киши, яъни жабрланувчини пичок ёки бошка бир жисм билан уриб, тан жарохати етказга-ни хакида далиллар билан мисоллар келтирамизу, жабр ланувчига ачинганимиздан ва айбланувчига нафратимиз ошганидан унга нисбатан: «Аввал пичокни ўзингга ур, огримаса— бировга",— де-

ган наклни кўлламиз. Худди биз айтганимиз сингари иш тутиб, Сурхон-дарё вилоятининг Узун тума-нида яшовчи Д. Азимова ав-тобуслар бекатида А. Муродиллаев билан жанжалла шиб қолади. Кейин шартта ўзининг корнига пичокни санчиб олибди. Албатта бу ишни у мардликдан килдими ёки аксинча аламига чи ай олмай кўл урдими, бу ёги хозирча коронгу. Бирог бундай хатти-харакатдан сўнг пичок огригидан касал хонага тушиб колган бу аёл сал соғайгач, бор гапни айтиб берса керак.

...СУНГРА БИРОВГА

Гохида эру хотинлар ўртасида шундай уруш-жанжаллар ҳам бўлиб турадики уларнинг натижаси бир кадар огир окибатларга олиб келади. Бухоро вилоятинин Пешку туманида яшовчи фу-каролар Н. Каюмов ва М Махмудовалар хам бир-бирига бегона эмас. Бир ёстикка бош кўйиб, яшаб келаётган эру хотинлар ўрта-сидан ўтган оламушук икковини хам расво килди. Узаро жанжал окибатида эр хотинининг корнига, ўзининг эса кўкрагига пичок санчди...

Худди Н. Каюмов синга-ри Р. Тен хам Охангарон шохкучасидаги автобус бекатида хотини Н. Юн билан сан-манга бориб колиб, турган жойида рафикаси бетига шапалок тортиб юборди. Шундан кейин хам аёлининг чакаги ўчавермагач, пичок олди-ю, унинг корнига санчди. Овоз бирон бир муддатга эмас, буткул ўчгач, жазодан кўркканидан корнига хам пичок санчали Хозирда бу ишлар билан прокуратура ходимлари шу

> Ш. РЎЗИЕВ, э. АНТИПОВ.

ДИҚҚАТ ! ТЕНДЕР СОТУВЛАРИГА ШОШИЛИНГ!

14 апрел 2000 йил соат 10.00 да Давлат мулки кумитасининг Тошкент шахар бошкармаси кошидаги «Факторинг ва ахборот хизмати маркази» Тошкент шахрида жойлашган куйидаги автомобил тўхташ жойларини тендер савдолари орқали сотади:

1. «Олой бозори-4» (манзилгохи: Юнус-Обод тумани, М. Қаюмова кўчаси, «Олой бозори» қаршисида жойлашған) бошланғич нархи-4 221 083 сўм.

2. «2-Автокомбинат» (манзилгохи: Чилонзор тумани, С.Сегизбоев кучаси, 2- таксопарк ёнида жойлашган) бошлангич нархи-1 700 000 сўм.

ТЕНДЕР ШАРТЛАРИ:

Автомототранспортларнинг бутлигини таъминлаш Автомобил тўхташ жойларини жахон андозаларига мос холда техник

Мижозларга юқори маданиятли хизматни таъминлаш.

Ендош майдонларни санитар ва ёнгинга қарши құйилган талаблај асосида саклаш

Авмобил тухташ жойларини ва ёндош майдонларини Европа андозалари талабларига жавоб бериш даражасида таъминлаш.

Хайрия ёрдами бериш. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларға тенғлаштирилған шахсларға

имтиёзли хизмат кўрсатиш.

Ногиронларга иккита жойдан кам бўлмаган алохида махсус жихозланган

Автохаваскорларга құшимча хизматлар кұрсатиш. 10. Оператор пункти, тўсикларни, ободонлаштиришни ва мухандислик

тармоқларини қурилиш лойихасини тақдим этиш. 11. Мухандислик тармоқлари ўтган тақдирда уларни таъмирлашга тўсиқлиқ

Хар соатда тухташ учун қуйиладиған нарх буйича таклиф.

Объектни сотиб олиш нархи буйича таклиф.

14. Тендерда жисмоний шахс ғолиб чиққан тақдирда бир ой мухлат ичида юридик шахс макомига ўтиш мажбурияти.

Тендерда қатнашиш учун хужжатлар ушбу эълон чиққан кундан бошлаб қабул қилинади ва тендер ўтказиш кунидан уч кун олдин тўхтатилади. Қушимча маълумотлар учун Давлат мулки қумитасининг Тошкент шахар бошкармаси қошидаги «Факторинг ва ахборот хизмати маркази» га, (манзилгохи: Тошкент ш., А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 2- қават, 30 ва 33 хоналар, тел: 144-60-51, 144-61-41 орқали) мурожаат қилишингиз мумкин.

Давлат мулки Қўмитасининг Тошкент шахар бошқармаси, Давлат мулки Кумитасининг Тошкент шахар бошқармаси қошидаги «Факторинг ва ахборот хизмати маркази» томонидан Тошкент шахридаги автомобил тўхташ жойлари сотиш бўйича ўтказилган тендер савдолари натижаси бўйича маълумот беради.

Nο	Автомобил тўхташ жойлари номи ва манзили:	Тондор савдоларн ўтказняган сана.	Fолибларнинг номлари:
1	«Концерн» (Тошкент ш., Ўзбекистон кўчаси, аввалги Узплодоовощвинпром биноси ёнида)	14.12.99	фукаро Хамдамов А
2.	«ГУМ» (Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, ГУМ ёнида)	14.12.99	фукаро Садыкова М
3.	«Олой бозори-1» (Тошкент ш, А. Темур тор кўчаси)	14.12.99	«Олой бозори»ОАЖ
4.	«Олой бозори-2» (Тошкент, А. Толстой кўчаси)	14.12.99	фукаро Сулаймонова Г.А.
5.	«Фарход №2» (Тошкент ш, А.Икромов тумани Фарход кўчаси, Фарход бозорининг гўшт қатори қаршисида)	14.12.99	фукаро Шукурова С.Х.
6.	«Фарход №1» (Тошкент ш, А. Икромов тумани, Фарход кўчаси, Фарход бозори каршисида)	21.12.99	«Фарход дехкон бозори» ОАЖ
7.	«Фарход №3» (Тошкент ш, А.Икромов тумани, Фарход кўчаси, Гос.банк ёнида)	21.12.99	«Фарход дехкон бозори» ОАЖ
8.	«Фарход №4» (Тошкент ш, А. Икромов тумани, Лутфий кўчаси, Фарход бозори ёнида	21.12.99	«Фарход дехкон бозори» ОАЖ
9.	«Фарход №5» (Тошкент, А.Икромов тумани, Фарход кўчаси, DAEWOO магазини ёнида	21.12.99	«Фарход дехкон бозори» ОАЖ
10.	«ДАН жарима майдончаси-2» (Тошкент ш, Чилонзор мавзеси, 26-даха, М. Шайхзода кўчаси, А. Икромов тумани Солик инспекцияси ёнида	21.12.99	«Тинчлик кинотеатри»
11.	«ДАН жарима майдончаси-1» (Тошкент ш, Юнусобод тумани, Хуршид кўчаси, Юнусобод ИИБ ёнида)	29.02.2000	фукаро Мирпўлатов Р.Х.
12.	«Чилонзор Марказий Универмаги» (Тошкент ш, Чилонзор тумани, Чилонзор Марказий Универмаги каршисида)	29.02.2000	«Кей-Кей интернейшнл» шўъба корхонаси

Кушхабар

«МТП»НИНГ ХАММОМИ

Тахтакўпир туман машина трактор парки хиссадорлик жамиятида иктисодий ислохотлар инсон манфаатларига йўналти-рилмокда. Ўтган йилнинг кузагида асосий фаолиятдан ташкари 40 гектарга бугдой экилди. Бу йил эса ишловчилар ки учун 84 гектар ерга шоли уруғи экишни мулжаллашятти.

Айни кунда барча кулайлик ларга эга замонавий хаммом япти, пардозлаш ишлари олиб борилмокда. Мамлакатимизнинг энг шимолий тумани дехконларига техника хизмати курсатадиган корхона ахли баробарида ўз манфаатларини хам эътибордан сокит килаётгани йўк.

АКАДЕМИК ХОТИРАСИ

Нукусдаги 11-ўрта мактабда туркийзабон халклар адабиёт-шунослик илми жонкуярлари-дан бири бўлган академик Марат Нурмухаммедов таваллуди-нинг 70 йиллигига багишланган

хотира кечаси ўтказилди. Аллома коракалпок ёзма адабиётининг пайдо бўлиши, XX аср қорақалпоқ адабиети хамда туркий тилли адабиётлар риво-жининг бир-бирига таъсири тўгрисида ўлмас асарлар ёзис колдирди. Айникса, Т. Жданко ва С. Камолов билан хамкор пикда ёзилган «Коракалпоклар» ионографияси алохида ахами

ятга эгадир. Кечада академикнинг сафдошлари унинг кайнок хаёти ва самарали илмий фаолияти тўгрисидаги хотираларидан

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 14 мартдан бошлаб хисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/ Австралия доллари 21,47 1 Франция франки

Австрия шиллинги 1 Англия фунт стерлинг 10 Бельгия франки 1 Голландия гульдени 0 Греция драхмаси Дания кронаси БАА дирхами

34,92 63,91 4,23 18,92 39,66 145,67 42,50

Канада доллари Хитой юани Германия маркаси Польша злотийси 1 СДР 1000 Туркия лираси

8,47 7,27 100,10 17,60 34,92 38,34 72,01 35,63 195,51 0,25

1 Швейцария франки 1 EBPO

87,69 140,85 10 Жанубий Корея вони 1,30 13,69 5,11 26,54 1 Россия рубли 1 Украина гривнаси

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарны ушбу кийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Очик турдаги «ТРАНСАВТОТУРИЗМ»

Хиссадорлик жамияти

Акционерларининг умумий мажлис хакидаги ахбороти

Хиссадорлик жамияти манзили -Тошкент шахри, Ахмад Дониш кўчаси, 28а-уй. Мажлис ўтказиш вакти-2000 йил 29 март соат 11.00. Акционерлар реестрининг бекитилиш вақти -2000 йил 28 феврал.

Умумий мажлиснинг кун тартиби:

1. Умумий мажлиснинг регламентини тасдиклаш. Йиллик баланс ва 1999 йилги молия фаолияти

бўйича якуний кўрсаткични тасдиклаш. Жамиятда қоладиган соф фойданинг бўлиниши.

2000 йилда жамиятни текширадиган аудиторлик

фирмасини тасдиклаш.

Кузатув кенгаши.

MOM—TAPHXINI KNUMOK

ри ва хар хил такинчоклари

ва тошлардан нафис килиб

қилинганлар. Қабрдан бронза

сиргалар, мунчоклар, хар хил

хайвонлар шаклида ясалган

кимматли ашёларни мактаб

тўгногичлар топилган. Бу

археология институти ва

СамДУ тарих факультети

Тадкикотларнинг кўрсатиши-

ча, бу кабрлар ва улардан

топилган тарихий буюмлар

бундан 3500 йиллар яшаган

Бу жойда антик даврда

хам мустахкам қалъа бўлган-

лигини топилган кумуш танга

Жомсойнинг чап киргогидаги

баланд тепаликнинг ёнида уй

курилаётганда хар хил сопол

билан биргаликда бир дона

кумуш танга чиққан. Маълум

бўлишича бу танга Селевкий-

яққол кўрсатиб турибди.

идиш-товоклар, гиштлар

лар салтанати подшоси

аждодларимизга тегишли

олимларига олиб келди.

ўкитувчиси А. Ёркулов

билан биргаликда дафн

ясалган билакузуклар,

Матьлумки, ўз-ўзини англаціга интилган миллат, авваламбор, ўз юрти тарихи, келиб чикиш илдизлари, аждодларини билиш-га кизикади. Мустакилликка эришганимиздан сўнг, табиийки, калқимизда тарихимизни ўрганишга бўлган интилиш кучайди Бунинг натижаси ўларок Хива, Бухоро каби қадимий шахарларимизнинг, Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улугбек каби улугларимизнинг юбилейлари кенг микёсда нишонланди.

Бизнинг нафакст йирик шахарларимиз, балки кишлоклари-миз хам ўзига хос тарихга эга. Самарканд вилояти, Нуробод

ишлоқ ўзининг қулай

географик ўрни,

сўлим табиати билан

Сўғдиёна тарихида мухим

ахамиятга эга бўлган. Бу

Гарбий ва Жанубий Сўгдни

бирлаштириб турган савдо

карвон йўлининг чоррахаси-

кўхна макон Марказий,

да жойлашганлиги учун

хунармандчилик хам

ибтидоий даврлардан

кабрнинг топилиши,

Маълумки, юртимизга

гидан бошкача бўлган.

тириклик пайтларида

фойдаланган идиш-

ислом дини ёйилгунига

калар аждодларимизнинг

дафн маросимлари хозир-

Бронза даврида мархумлар

товоклари, мехнат куролла-

Кишлокдан бронза

даврига оид учта қадимги

айникса, диккатга сазовор.

бошлаб яшаган

қадим-қадимдан бу ерда

ривожланган. Дастлабки

олиб борилган археологик

тадкикотларнинг кўрсатиши-

ча. Жом кишлогида одамлар

Антиох I — сотер томонидан зарб қилинган экан.

Искандар Зулқарнайннинг сафдоши, лашкарбоши Селевк ва сўғд баходири Спитаменнинг қизи Апамалардан тугилган Антиох отасининг ўлимидан сўнг

тахтга ўтирган. Селевкийлар

давлатининг худудлари то

Сирдарёгача чўзилган эди.

Бундан 2300 йиллар илгари

зарб қилинган бу танганинг

Жом қишлоғидан топилиши,

калим-кадимлардан савдо

қатнаганлигини кўрсатади.

Кишлокнинг шаркий

диккатга сазовор. Эрамиз-

нинг IV-VII асрларида аждод-

ларимиз томонидан баланд

яшаган қабилаларнинг диний

Жом ва унинг атрофидаги

худудлар катта ахамиятга эга

хукмдорлар XII асрда бу ерда

қилган эдилар. Халқ орасида

тошлардан қурилган бўлиб, у

Каратэ

ва дунёвий тасаввурларини

ўрганишда жуда мухимдир.

бўлганлигидан корахоний

аталадиган тўгон йўнилган

катта сув омбори бунёд

Гиштбанд номи билан

махсус қоришма билан

коятошларга чизилган бу

суратлар ўша даврларда

бир неча суратлар хам

карвонлари Шаркдан Ғарбга

томонидаги қоядан топилган

хакикатан, хам бу ерда

мустахкамланган. Тарихчи олим А. Мухаммаджоновнинг хисобича, бу ерда киш ва бахор ойларида 300 минг кубометр сув тўпланган, бу сув 250-300 гектар ер майдонини сугорган. Мурак каб мухандислик иншооти асрда юз берган мўгул истилосидан сўнг каровсиз колиб, аста-секинлик билан

лойқага тўлиб, сўнгра вайрон

яратиш, дехкончилик бораси-

гувохи сифатида хам кадоли-

Гиштбанд сув омбори

аждодларимизнинг яшаш,

да чеккан захматларинин

ёдгорликлардан яна бири

кишпокнинг пастки кисмила

баланд мустахкам мудофаа

девори билан ўралган ушбу

калъа ўз багрида Жомнинг

бир неча асрлик тарихини

саклаб келмокда. Археолог-

маган ушбу ёдгорликнинг

кадим Жом, колаверса

лар томонидан хали ўрганил-

Самарканд сўгди тарихининг

номаълум кирраларини очиб

Жом нафакат ўзининг бой

бериши шак-шубхасиздир.

хунармандчилиги билан хам

ва тўкилган хар хил кашта-

лар, гиламлар, хуржунлар

учрайдики, улар жуда

кимматли этнографик

манбалар хисобланади.

хонадонларда қўлда тикилган

тарихи, балки ўзига хос

машхурдир. Бу ердаги

дир. Асосий ва мухим

жойлашган Каттатепа

ёдгорлигидир. Атрофи

бўлган.

Жомликлар ўз аждодларидан қадимги китобларни хам кўз қорачигидек асраётганликларининг гувохи бўлдик. Хатто бир сандик ноёб китоблар сакланаётган хонадон бор. Уларнинг барчасининг ўрганилиши Жомнинг ўтмишини ойдинлаштиради, албатта.

Утган йили Италиядан келган археолог, Болония университетининг профессори Шарк мамлакатлари тарихининг катта билимлони М. Този Жомда бўлиб бу ердаги ёдгорликлар билан танишиб, бу ёдгорликларни ўрганиш Ўзбекистон тарихи учун жуда мухимдир, деган

Маълумки, ҳар бир жойнинг тарихи ўша ерда яшаётган халқнинг хотирасида сакланиб келади. Шу сабабли биз фукаролар йигини раиси Эштурди Рахимов билан кишлок оксоколларига мурожаат қилдик. Уларнинг кумаги билан Жомда яшаб ўтган машхур уламолар, полвонлар, чавандозлар, эрк учун курашган ватанпарварлар ва иккинчи жахон уруши катнашчилари хакида хам маълумотлар йигдик.

Кувонарли жихати шундаки, Жомда яшаётган катта-кичик ўз қишлоқлари тарихини ўрганишга кўмак беришга тайёр. Зотан, ўз тарихини, аждодларни, уларнинг эзгу ишларини ёдга оладиган халк хамиша

Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, **Ўзбекистон ФА Археология**

институтининг етакчи илмий ходими. Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хатлар -

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ

«ХАЛК СЎЗИ»

«НАРОДНОЕ ОЛОВО»

МУАССИСЛАР:

Узбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Кенгаши

Узбекистон Республикаси

Вазирлар Махкамаси

Бош мухаррир:

Аббосхон

УСМОНОВ

+++++++

(масъул котиб -«Халқ сўзи»), м. егоров (масъул котиб -

«Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбосари - «Халқ сўзи»),

с. зинин. м. миралимов, с. мухиддинов,

Ш. РИЗАЕВ, м. сафаров

Р. ФАРХОДИЙ,

и. худоёров, и. ШОГУЛОМОВ,

О. КАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари - «Народное слово»),

ў. хошимов.

БУЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий хаёт -133-57-34:

Хуқуқ —

136-07-94; Иктисодиёт

136-36-65; Маънавият ва маърифат -136-35-60, 132-10-65;

136-29-89, 133-07-48; Фан, соғликни сақлаш ва

ижтимоий масалалар — 132-12-08;

Ахборот, спорт ва харбийватанпарварлик 132-11-15;

Халқаро ҳаёт 132-11-15;

Котибият -

133-10-28;

136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби Nº 00001

Буюртма Г — 196, 27017 нусхада босилди, хажми — 2 табок. Офсет усулида босилган.

Қоғоз бичими А-2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди хамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОГАЕВ

томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб -Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи мухаррир К. ЭШМАТОВ. Навбатчи О. РАЖАБОВ. Мусаххих -

A. CATTOPOB.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул

қилинмайди.

«Шарк» нашриётматбаа концерни

босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вакти — 21.00 топширилди — 21.50

1 2 3 4



Чавондоз қаримайди...

«Режали иктисодиёт»-

нинг хаётдаги таркибий

«иловаси» бўлган — хар бир

кундалик буюм ва озука

учун тонгда турибок одам-

ларнинг «узундан -узун на-

вбати»га бориб тиркалиш

азоблари ортда колди. Би-

рок... орадан деярли ўн

йилга якин вакт ўтса

хамки, ханузгача ўша эски

тартибни кумсаётган ёки

хали хам, эл ўша чиркин

«навбатчилик» иллатидан

халос бўлгани йўк, деган

хадиксираш онгида котиб

колган кимсалар, афсуски,

Телефон маса ласига кел-

сак, ҳа, унинг

«кахатчилиги» чин-

дан хам хаётда бор

эди. Одамлар те-

лефон олишни хох-

лашмаяпти, деган

гап кундалик тур-

мушга зинхор мос

келмас эди. Аксин-

ча, деярли хамма-

миз уйимизда те-

лефон ракамлари, линия-ка-

бел симли жуфтликлари ва

хоказолар) мавжудлиги, бел-

гиланган таърифга биноан

дастлабки рўйхатга олиниш

тулови ёки келишувга асо-

сан, ишни жадаллаштириш

тўлови кабилар кўзда тутил-

ган. Телефон ўрнатиш муд-

дати бир ойдан 150 кунгача

килиб белгиланган. Ушбу

«коидалар» да навбатда ту-

риш тўгрисида бирон оғиз

хам сўз айтилмаган. Шарт-

нома туз -- телефон олавер!

қоидалар тўгрисида. Амал-

да эса қандай? Маълумки,

шу пайтгача мавжуд «на-

вбатчилик» рўйхатларида ўн

минглаб аризалар кайд этил-

ган. Уларнинг эгалари узок

йиллаб ўз хонадонларида

телефон ўрнатилишини махтал бўлиб кутишган. 1999

Бирок, булар мавжуд

Даврон АХМАД олган сурат.

ДАВЛАТ ДАСТУРИГА **БАГИШЛАНДИ**

Нукусда "Соглом авлод" давлат дастурини амалга оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йигилишда сўзга чиккан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Акушерлик ва гинекология институти директори Ж. Курбонов, Коракалпогистон Республикаси согликни саклаш вазири Д.Бобоназаров ва бошкалар давлат дастурининг жамиятимизнинг барқарор ривожланиши, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдаги ахамиятига тўхталди. Дастур нохуш экологик минтака хисобланувчи Оролбўйи ахолиси учун, айникса, катта хаётий ахамиятга эгадир.

А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири.

Наврўз айём арафасида Бухоро шахрида хайрли ишга кул урилди. Сайфиддин Бохарзива ва Боёнкулихон макбаралари нидаги қаровсиз қолган саккиз гектарлик майдонда боғ барпо килишга киришилди.

АЙЁМГА ТУХФА

Шахардаги бир неча автокорхона хайдовчилари, "Бухорогушт", "Бухороёг", "Бухородон", "Пахтасаноатсотиш" хиссадорлик жамиятлари ишчилари ғайрати туфайли майдон қисқа вақтда тозаланб, кўчат экишга таёрланди. Бугунги кунда бўла-

жак богда иш авжида. Бухороликлар богдаги ишларнинг асосий кисмини Наврўз байрамига қадар бажаришга ахд қилишган

с. АБДУРАСУЛОВ.

Уткир тиг остида

йилнинг бошланишида республика бўйича тўпланиб колган бундай аризаларнинг сони 120 мингдан кўпрок эди. Фақат Тошкент шахри бўйича 28 минг 550 та шундай ариза бор эди. Уларнинг айримлари 10-15 йиллик тарихлидир. «Махаллий Телеком» акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, республикада факат 1999 йилнинг ўзида катта кучғайрат билан иш олиб борилиб, муддати 5 йилдан ошган барча буюртмачиларнинг хонадонларига телефон ўрна-

жойга бирон сатр ариза ёзишмаган, номларидан битилган «аризаларни» эса биринчи марта кўриб туришибди. Комиссия бу дастлабки аризалар юзасидан текшириш натижалари хусусида маълумотномалар ёзишга улгурмасдан, худди шу махалладан ва ўша эътирозлар билан масъулиятли ташкилотларга кетмакет янги аризалар ёгила бошлади. Уларнинг сони 12 тага етди. Ариза «муаллифлари» билан телефон тармоги шохобчаси. Почта ва телекомуномаълум «мирзо»нинг хатларини шундай деб бахолаш ўринли бўладими? Буни ўйлаб кўриш керак.

тирланиши учун эса асослар етарли. лик килаяпти.

Бундай ўйин ўтмайди. Абонент думалок хатлар билан эмас, балки алока тарэхтиёжи борлигини аризасагина, бунга эришади. Махалла ахлига бу қонунқоидалар батафсил тушун-

фида сохта «саховатпеша»лар, тиник сувни лойкалатиб, ўз балигини овлашга уринувчилар бўлмаса, шунча яхши! Улар аввало, бошқаларнинг номидан думалоқ хатлар ёзиб, элнинг шаънини булғайди. Қолаверса, қанчадан-қанча идоралар, ташкилотлар, муассасалар ва уларнинг ходимларини ишдан колдиради, «Тошкент шахар телефон тармоги» ОТАЖи, жумладан унинг Собир Рахимов туманидаги филиали бундай думалок шикоятбозларга нисбатан ўзларининг соф, профессионал чора-тадбирларини топдиларки, энди бундайлар панада яшириниб кололмайди. Улар бошкаларга келтирган моддий ва маънавий зарарлар учун «хизматига яраша» жазосини

А. КУДИНОВ.

Пойтахтимизнинг «Жар» спорт-согломлаштириш мажмуида каратэ бўйича республика чемпионати утказилди. Унда 12 вилоятдан ташриф буюрган 15 жамоа қатнашди. «Соғлом авлод» йилига бағишлаб ўтказилган Узбекистон чемпионатида 7 ёшдан 18 ёшгача булган саккиз юз нафар ёш каратэчи голиолик учун гиламга чикди.

Томошабинлар яккамаякка олишув (кумите), каратэдаги кўргазмали чикиш (ката) бўйича беллашувларнинг гувохи бўлишди. Унда Тошкент шахрининг «Азамат Карим», «Каратэ», «Шарқ», Тошкент вилоятининг «Бекобод», Андижоннинг «Ахмадшох», Қашқадарёнинг «Қар-

ЧЕМПИОНАТ ЯКУНЛАНДИ

ши» клублари хамда Самар-қанд, Наманган, Фаргона вилоятлари жамоалари вакиллари қизғин ва муросасиз бел-Йулда толиқиб қолма-

дингизми? — қизиқсиниб сўрайман мусобақага ташриф буюрган кекса томошабинлар-

Эй болам, қандай қилиб уйда ўтирай, — дейди беко-бодлик 62 ёшли Гуласал Абдумавлонова. - Шу десангиз, вараларим Аъзамбек, Фаррухбек, Парвизбекларнинг

лан кургани келлим - Каратэчиларнинг хаттихаракатига завк билан қараётган Жалолиддин, Сирожиддин ўгилларимнинг холатига қаранг, — сухбатга қўшилади Райимжон ака Курбонов. —

ғиб туриб кетай дейман. Мусобақада Илхом КариМирбобоев, Саидлазиз Бурхонов, Дамир Гумиров, кизлардан Икбол Алиева, Шахноза Мирсоатова, Нодира Тоштемирова, Гавхар Бердиевалар голиб деб топил-

беллашувларини ўз кўзим би-

Уларга кушилио узим хам ир-

мов, Отабек Қосимов, Ринат Кутуев, Акром Содиков, Данил Миниев, Фарход Ахмедов ўз вазн тоифалари бўйича голиб чикиб, мухлислар олкишига сазовор бўлишди. Етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган каратэчилар орасидан Жавлон Хакимов. Санжар Носиров. Иззат

Голиблар тўгридан-тўгри Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинишди. Улар 2000 йилда бўлиб ўтадиган халқаро мусобақаларда беллашадилар.

- Бугун барча каратэчилар голиб, — деди мусобака якунида Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси президенти Нурхон Нафасов. -Ниятимиз - Ўзбекистон терма жамоасига малакали каратачиларни туплаб хозиргача эришган ютукларимизни кўпайтириш, бу йил хам катта-катта муваффакиятларга эришишдан иборат.

Чемпионат якунида голиблар диплом ва медаллар билан таклирландилар. Умумжамоа бўйича «Каратэх клуби биринчи ўринни эгал-

Окил АБДУАЗИМОВ.

орамизда учраб турибди. тилди. Бир катор вилоятлар-

лефон бўлишини истар эдик, лекин унга эга бўлиш, ўзимиздан таётганлар сони 2-3 баробарузокдаги кариндош-уруглар. га камайди. Айникса, Тошкент таниш-билиш, якин бирошахар телефон тармоги ОТАЖи дарларимиз билан телефон бу борада пешкадам - пойоркали гаплашиш хаммага тахтимизда икки йилдан орхам насиб этавермас эли Эхтиёж катта, лекин унинг тик телефон ўрнатилишини окланишининг мушкуллиги пойлаётганларнинг аризалари тўла-тўкис кониктирилди. Текахатчиликни юзага келтиралефон учун навбат кутиш муди. Наинки, ахоли, балки аммоси якин бир-икки йил алоқачиларнинг ўзи хам якин ичида тамомила хал этилади. ўтмишда қахатчиликнинг бу Мазкур акциядорлик жамиятиукубатларини озмунча бошнинг исталган филиалига кедан кечиришмади. линг, ариза беринг, шартно-Замон ўзгарди. Ўз навма тузинг — ўзингиз келишбатида, қоидалар ҳам тубган шарт-шароитларда теле-

дан янгиланмокда. Хозир фонга эга бўласиз. қандай буюм, махсулот ёки Афсуски, якин ўтмишдан хизмат тури учун одамлар колган телефонга навбат мунавбатда турганлигини кўра-япсиз? У бархам топяпти. аммосининг системали хал этилаётганлигини барча бир-Барча нарса — бозорда. Бор, дай тушунмаяпти. Кимдир танла, ўзингга ўлчаб кўр, бундай маълумотларга ишонтаъбингга қара, ҳамёнингни қирамасдан қарайди, яна кимоч ва олавер! Хохласанг, ана шикоятбозликка кул уй, автомобил, мебель! Хохуради. Бунинг энг сўнгги даласанг... телефонли хам лилардан бири якинда пойтахт бўлишинг мумкин. телефон тармоги рахбарлари Мана, уч йил бўлаяптики, мутахассислари бошига анча янги «Ўзбекистон Республиташвиш келтирди. Бир вақткаси махаллий телефон алонинг ўзида Почта ва телекомкасилан фойдаланиш коидамуникациялар агентлиги, шалари» амалда. Унда хонадохар хокимлиги, турли рахбарнига телефон ўрнатишни лик тизимларига Собир Рахихохлаган фукаро ариза бемов туманининг «Ўзбекистон» риши, бунинг учун техникамахалласи ахолиси «номидан» вий имкониятлар (бўш те-

хафсала билан битилган бир қатор аризалар келиб тушди. Имзолар хар хил, матнмаъно битта: бормаган жойимиз қолмаяпти, бизларга телефон ўрнатишмаяпти, иш жойидан силжимаяпти. Махалла хонадонларининг хеч биридан телефон йўк, бу ерда эса одамлар 30-35 йиллаб яшаяпти, каби надоматлар..

Манзиллар, хонадонлар сохибларининг исми-насаби аник курсатилган, имзолар че-Назоратга олинган дастлаб-

ки икки шикоят хати бўйича акциядорлик жамияти ва унинг филиалидаги ўнлаб одамларни ўз таркибига олган комиссия тузилди ва зудлик билан текширишга киришилди. «Аризачилар» билан биринчи учрашувдаёк маълум бўлдики, улар телефон хусусида хеч

лари учрашиб, ўз номларидан битилган бундай хатларга уларнинг алокаси йўклигини тасдикловчи ёзма тилхатлар олинди

Тўгри, махалла ахли телефонли бўлишни, албатта, истайди. Лекин улар бундай хохиш-иродаларини аризаларда акс эттириб, шу пайтгача тайинли бир телефон тармоги идораси эшигини қоқишмаган. Уларга махаллани телефонлаштириш максадида бир неча ойдан буён лойиха-смета хужжатлари тайёрланаётганини тушунтиришди. Бунинг учун зарур материаллар жампанмокда, бошка масалалар бирин-кетин хал этилаяпти. Бу тўгрида ўз вақтида махалла бошкаруви хам, ахоли хам хабардор килинган. Бирок... хатлар тўхтамаяпти.

Почта хатжилдларида, қўлда ёзилган, машинкада кўчирилган, манзиллар ва одамларнинг исми-насаби аник кўрсатилган, хатто... махаллада қуриб битказилмаган уйларнинг «яшовчилари» номидан хатлар... Янада аникроғи, бу махалла хали жуда «ёш», бир неча йил бўлди унинг шаклланаётганлигига. Хали бу ердаги одамлар хам бир-бирини яхши таниб улгурмаган. Пировардида, махалланинг кундалик турмуш қулайликлари ва умумий фарогатини таъминлаш учун «якдиллик» билан курашиш тажрибаси тўгрисида гапиришга хам эртарок. Лекин, мана, қандайдир «саховатпеша» пайдо бўлиб, бу янги махалланинг бутун ахолиси номидан панада туриб тугён солаяпти, «думалок хат»лар уюштириб, хар бир хонадонда зудлик билан

қилмоқда. Уни нима харакатга келтиряпти? Янги махаллага фаровонлик келтиришдай бегубор туйгуми? Энди вужудга келаётган махалланинг хали томларининг сувоги куримаган янги уйлари ва хатто курилмаган уйларигача — барчасини жадал суратда телефонлаштиришни талаб килувчи бу

телефон ўрнатилишини талаб

Уз хатларида бу кимса, махалла тарихига муболаға-ли тус бериб, 30-35 йила-дан буён бу ерга телефон келмаяпти, деб ёзғиради.

Бу масала бўйича охирги аризаларимиз 1999 йилда берилган эди, дейди. Узини эса... қоронғуға тортади. Бирон кимсанинг кузига ташланиб колсам ахволим не кечади, деб ўйлайди, шекилли. Унинг бундай хаво-Чунки ғаламис-Унинг 12 хатидаги ёлгон-

яшик шикоятларини ойдинлаштириш учун ўндан ортик мутахассис қанча вакт сарфлади, текшириш пайтида уларни турли жойларга олиб борган автомобилларга кетган бензин харажатларини айтмайсизми, маълумотномалар, жавоблар ёзиш учун канча когозлар

хар бир қўйган қадами жамият учун турган битгани зарар. У панада туриб думалок хатлар битади, одамлар, ташкилотларнинг вактини олаверади. Эхтимол, бундан унинг гаразли қалби лаззат хам олар, бу унинг виждонига хавола. Факат якин бир кунда кабел линияси курилиши тугаб, «Ўзбекистон» махалласи хонадонларида хам телефон қунғироклари жиринглаб садо берганида, бу «валломат» ўзига қахрамонона тус бериб, олдинга отилиб чикиб: «Мана кўрдиларингми, мен нималарга қодирман» деб талтаймаса

могига кириб, телефонга да баён этиб мурожаат қилтирилмокда. Улар эса хакикатни англамокда.

Хар холда телефон атро-

linlad Хаётингизни хотиржам қиламиз!

Барча жихозларга нархларнинг

арзонлаштирилганлигини ЭЪЛОН КИЛАМИЗ.

Кафолатлар сақланади




КЎРИКЛАШ-ЁНГИНДАН САКЛАШ ПАНЕЛЛАРИ

КЎРИКЛАШ

ДАТЧИКЛАРИ


Communication &

ТВ-камералар





ВА БОШКА АСБОБЛАР.







Honeywell

Тошкент ш., Кушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80,факс 50-03-61

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамоаси, ушбу вазирликнинг Тошкент шахри бүйича назорат-тафтиш бошкармаси бошлиғи А. А. Зокировга онаси Султонношша ЗОКИРОВАНИНГ

таъзия изхор этади.

вафот этганлиги муносабати билан чукур

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий ниверситети ректорати, касаба уюшма қумитаси ва хукукшунослик факультети жамоаси «Давлат қурилиши ва ҳуқуқ» кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент Қурбонали Холмуми-

новга волидаи мухтарамаси Салима ая ЭСОНОВАнинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изхор этади.